

Исроф – катта гуноҳ,

Аллоҳ таолога итоатсизлик

Бир инсоннинг кимлигини унинг қилаётган тўю маъракалари ҳам кўрсатиб беради, назаримда. Тўғри, ҳар ким ҳолига қараб халққа ош беради. Аммо айрим ўзига тўқ инсонларнинг тўйда ҳаддидан ошишларини нима деб аташга ҳам ҳайронман.

Яқинда вилоятимизда бўлиб ўтган баъзи тўйларнинг видеоси ижтимоий тармоқларда катта муҳокамаларга сабаб бўлди. Бирида қуда томондан келган аёлларга тилла узуклар тарқатиб чиқилмоқда. Битта-икки тасига берилса ҳам майли эди. Кўпгина тақинчоқнинг бирма-бир тарқатилгани жамоатнинг эътиборини тортди.

Яна бир тўйда эса куёвнинг ўртоқлари еб-ичилаётган дастурхоннинг устига чиқиб ўйнашмоқда. Оёқлари остида эса, ноз-неъматлар хор бўляпти.

Бошқа тўйда тагин куёв-жўралар ер қолиб, узумтоққа осилиб рақс тушишмоқда ва ҳоказо.

Буларнинг бари вилоятимиз ҳудудларида бўлганига бироз хижолатдаман ва тўйбошиларга, хусусан, ёшларимизга насихат қилмоқчиман: қаерга қараб кетяпсизлар, ҳадларингдан ошиб, инсонийликдан чиқманглар, ўзларингизни шарманда қилманглар! Зеро, Аллоҳ таоло Ўз каломидан бизга бундай буюрмоқда: **“Енглари, ичинг-**

лар, аммо исроф қилманглар. Зеро, У исроф қилгувчиларни севмас” (Аъроф сураси, 31-оят).

“Исроф” сўзи арабчадан олинган бўлиб, “ҳисобсиз тарзда ишлатиш”, “ҳаддидан ошиш” деган маъноларни англатади. Исрофга йўл қўйган одам Аллоҳ белгилаб берган чегарадан чиқиб, У Зотнинг неъматларини ўрнига сарфламаган ёки ҳожатдан ташқари ишлатган бўлади. Исроф неъматни увол қилиш, уни қадрламаслик деса ҳам хато бўлмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда яна марҳамат қилади: **“Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйма. Албатта, исрофчилар шайтонларнинг биродарлари бўлганлар. Шайтон эса, Раббига ўта ношукр бўлгандир”** (Исро сураси, 26–27-оятлар).

Ҳа, юқоридаги каби айримлар одамлар кўриши, овоза бўлиш учун тўю маъракаларда ортиқча харажат қилишади. Бу риёдир. Риё эса оғир гуноҳ. Аслида, “Одамлар бир кўриб қўйсин” деб эмас, балки “Аллоҳ рози бўлармикан?” деб йўл тутишимиз керак.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Аллоҳ таоло менга тавозели бўлишингизни ваҳий қилди. Токи бир одам**



бошқасига зўравонлик қилмасин, бир одам бошқасидан ўзини устун қўймасин” (Имом Муслим ривояти).

Ҳадисдан келиб чиқиб айтганда, эл қатори тўй қилмай, қатор-қатор тилла тақинчоқ тарқатиш ёки тўй кортежларини узун қилиб, ёшларнинг машина ойналаридан бошларини чиқариб пул сочишларини нима деб аташ мумкин? Бу каби ҳолатлар ўзини одамлардан устун қўйишдан бошқа нарса эмас!


Ҳар бир амалимиз учун охирада Аллоҳ таоло олдида ҳисоб берамиз. Шундай экан, ортиқча дабдабозликни йиғиштирайлик ва тўй-маъракаларимизни исрофсиз, камтарона ўтказайлик. Ахир шариятимиз бойларни дабдабаларга берилиб, “қўли калтароқ” инсонларни ранжитмасликка буюради.

Нозбуви ТЕМИРОВА,
Самарқанд вилояти
бош отинойиси

Мундарижа

“Оқил киши душманларидан ҳам (ибрат олиб) фойдаланади. Аҳмоқ эса, дўстларидан ҳам фойдалана олмайди”.

Исроф – катта гуноҳ...	1
Ватани бор инсон бахтлидир	3
“Ғурфа” билан мукофотланурлар	4
Соғлик муҳимми ё сарпо-суруқ?.....	5
Румайсо розияллоҳу анҳо	6
Мақтовларга алданманг	8
Таъзиядаги бидъатлар	10
Ҳаловат – ҳалолликда	11
Набий алайҳиссаломнинг табиатлари.....	12
Адашганлар.....	13
Маҳрни ким адо қилади?	14
Омонатга риоя қилиш – фарз	16
Умр шамол каби тез ўтар... ..	17
Эй қизим!.....	18
Аёлларга хос масалалар	19
Биз учун ортиқча, кимдир унга зор... ..	20
Ота-онамизга қандай фарзандмиз?	21
Риёдан холи амал	22
Беҳаёлик асоратлари	23
Одамлар билан қандай саломлашаман? ...	24
Ўғай онага эътибор	26
Ҳар куни қандай савоб топасиз?.....	28
Эмлаш нима учун керак?	29
Ёзувчи аёлнинг надомати.....	30
Энг яхши сурат.....	31
Ҳадя этувчи Аллоҳдир.....	32





Ватани бор инсон бахтлидир

Ватан – нафақат инсон, балки бутун мавжудот – тирик жон учун ўзига хос қўним топадиган маскан. Ватан – энг кўп қаламга олинган, сир-синаотли, серқирра, сержило ғўша. Муфтий ҳазратлари Нуриддин Холиқназаровнинг “Исломда Ватан тушунчаси” номли китобида бундай дейилади: “Ватани бор инсон бахтли инсондир. Ватани йўқ инсон эса, бахтсиздир”.

Ким Ватан тушунчасини яхши англаб етмас экан, унинг бағрида яшашидан маъно йўқдир. Шунга кўра уламоларимиз айтадилар: “Ватаннинг қадрига етмаган инсон, таъбир жоиз бўлса, ҳайвондан ҳам, паррандадан ҳам, ҳашаротдан ҳам тубанроқдир”.

2020 йил Президентимиз ташаббуси билан “Меҳр” дастури доирасида хориждан олиб келинган аёлларимиз ва уларнинг фарзандлари самолётдан тушар-тушмас азиз Ватанимизнинг тупроғини кўз ёш ила ўпиб, бош кўтармай йиғлаганларида, қалблар жунбушга келиб титради.

“Меҳр-4” дастури орқали Афғонистондан Термизга олиб келинган хоразмлик 2 нафар фарзанди бор аёлни кутиб олди. Давлатимиз томонидан уй-жой, хўжалик анжомлари, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари бир зумда тайёр қилинди. Уй юмушларини ўргатиш, фарзанд тарбияси, руҳий ҳолатига малҳам бўлиш учун у

билан бирга қолар эканман, эрта тонгда туриб, норасидаларнинг: “Аяжон, бу ерда бомба портламайдими, отишма бўлмайдими?” дея қўрқув билан берган саволи бутун вужудимни музлатиб юборган эди. Қизчалар деразалардан боқиб: “Жуда ғўзал жой экан, бу ердан аскарлар машинаси ўтмайдими?” дея хавотир билан савол бериб, тинч жойда эканликларига ҳалиям кўзлари ишонмай турганини ҳаяжон билан қайта-қайта гапиришарди.

Аллоҳ таоло бандалари қалбига Ватанга бўлган муҳаббатни жо қилган. Инсон фақат ундагина хотиржам бўла олади. “Ўз уйинг – ўлан тўшагинг” деган ўзбек мақоли бежиз айтилмаган.

Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она тўғрисиўзлик, ҳалоллик каби юксак инсоний фазилатлар қатори ватанпарварлик, халққа, динга, мусулмонларга холис хизмат қилиш туйғуларини ҳам фарзандлар қалбига чуқур сингдириши лозим.

Шунингдек, барча олиму уламолар исмларини Ватанлари номи билан боғлаб нисбат олганлар, яъни инсонга энг қадрли нарса унинг исми бўлади. Аммо улуғлар ўзларининг номи ила эмас, балки “Хоразмий”, “Бухорий”, “Самарқандий”, “Термизий”, “Фарғоний” каби Ватанни англаувчи номлар ила дунёга машҳур бўлганлар.

Ўтмишга назар ташласак, аجدодларимиз она-Ватан мус-

тақиллигини, мана шу дориломон кунларни асрлар оша орзу қилиб яшаганини яхши биламиз. Ватанга муҳаббат Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам қалбларидан ҳам алоҳида ўрин тутган. Макка мушрикларининг зулми ҳаддан ошиб, у зотнинг жонларига қасд қилиш даражасига борганда Аллоҳнинг буйруғига биноан Маккадан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Ўша онда кўзга ёш олдилар, кўнгиллари бўшаб, Маккага қараб бундай дедилар: *“(Эй Макка), сендан кўра менга севимлироқ ва суюклироқ шаҳар йўқ! Агар қавмим мени сендан чиқармаганида асло сендан бошқа жойни макон тутмасдим”* (Имом Термизий ривояти).

Абу Амр ибн Аъло раҳматуллоҳи алайҳ: “Кишининг вафодорлиги унинг ўз Ватани учун қайғуришидан, яқинларини соғинишидан ва умрининг зое кетказган лаҳзаларига ўкиниб яшашидан билинади”, деган.

Мана шундай саодатли кунларда жаннатмакон диёримизда яшовчи барча юртдошларимизнинг шоду хуррам бўлишларини, мустақиллигимиз абадий бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз.

Феруза ОТАЖОНОВА,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси Хоразм вилояти вакилининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси



«Улар ёлғон гувоҳлик беришмайди. Агар беҳуда нарсалар олдидан ўтсалар, ҳурматларини сақлаган ҳолда ўтарлар. Уларга Раббиларининг оятлари эслатилганда, у (оят)лардан гунг ва кўрлардек юз ўғирмаслар. Улар: “Эй Раббимиз, Ўзинг бизга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзимиз қувонадиган қилиб ҳадя эт ҳамда бизларни тақводорларга йўлбошчи қил”. Ана ўшалар сабр қилганлари учун “ғурфа” билан мукофотланурлар ва унда табрик ва салом билан қаршиланурлар. Улар ўшанда абадий қолурлар. У қандай ҳам гўзал қароргоҳ ва манзилдир” (Фурқон сураси, 72–76-оятлар).

“ҒУРФА” БИЛАН МУКОФОТЛАНУРЛАР

“Улар ёлғон гувоҳлик беришмайди. Агар беҳуда нарсалар олдидан ўтсалар, ҳурматларини сақлаган ҳолда ўтарлар”. Бу ояти каримада мўминларнинг ахлоқи баён этилган. Яъни, улар ёлғон гувоҳлик беришдан тийиладди. Агар беҳуда гапларни гапираётган, беҳуда иш қилаётган кимсаларга дуч келишса, уларга қўшилмайди. Уларга қўшилиб ўз қадрларини йўқотишмайди. Имом Заҳҳок: “Ҳар бир фойдасиз инсонни ҳақ йўлдан чалғитадиган нарса ёлғондир”, деган.

Ҳазрат Умар розияллоху анху ёлғон гувоҳлик берган кишини қирқ дарра урдирар эдилар. Сўнг юзига қоракуя суртардилар. Сочини олди-рарди. Сўнг у бозорда (одамларга ибрат бўлсин деб) айлантириларди.

“Уларга Раббиларининг оятлари эслатилганда. У (оят)лардан гунг ва кўрлардек юз ўғирмаслар”. Уларга панд-насихат билан Қуръони карим тиловат қилинганида жон қулоқлари билан тинг-



ларлар. Шунинг учун уларнинг қалб кўзлари очилган бўлади. Улар насихат қилиб, Қуръон оятлари ўқилганда ундан юз ўгириб кетадиган кимсалар каби эмасдир.

Улар: “Эй Раббимиз, Ўзинг бизга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзимиз қувонадиган қилиб ҳадя эт”. Улар Аллоҳ таолодан ўз жуфти ҳалоллари ва фарзандларини яхшилик қилиб, уларнинг кўзларини қувонтириши, қалбларини хотиржам қилишини сўрашади. Кишининг аёли солиҳа, фарзандлари солиҳ бўлишса, улар билан кўзи қувнайди. Натижа-

да эр киши оиласи борасида хотиржам бўлади.

Демак, оналар фарзандларини гўдаклигиданоқ яхши-ёмони, ҳалол-ҳаромни, савоб-гуноҳни ажратадиган, салоҳиятли инсон этиб тарбиялашга катта эътибор беришлари лозим.

“Ана ўшалар сабр қилганлари учун “ғурфа” билан мукофотланурлар. Ва унда табрик ва салом билан қаршиланурлар”. Яъни, санаб ўтилган сифатлар билан сифатланганлар Аллоҳ таолонинг ҳақиқий бандаларидир. Сабр қилганлари учун уларнинг мукофоти жаннат табақаларидаги кўшқлар (хоналар)-дир. Улар жаннатда табрик ва саломлар билан қутлаб қарши олинади. “Улар ўша жойда абадий қолурлар. У қандай ҳам гўзал қароргоҳ ва манзилдир”.

“Тафсири Қуртубий”,
“Тафсири Табарий” ва
“Фатҳул Қодир”
тафсирлари асосида
тайёрланди.

Соғлик муҳимми ё сарпо-суруқ?

Шифохонага ишинг тушмасин! Шундай эмасми?! Турнақатор навбатлар... Касаллик варақасини ёптириш учун боргандим, у эшик – бу эшик орасида юриб, тушгача қолиб кетдим. Уйга шошарканман, олдимда кетаётган онахонга ҳурматсизлик бўлмасин дея секинлайман...

Онахон тўхтаб икки аёл билан кўришди. Гап-сўзлари қулоғимга чалинди. Ҳол сўрашгач, одатий савол-жавоблар. Англашимча, онахон поликлиникадан қайтмоқда. Икки дугонаси эса, ўша ерга боришмоқда.

Болаларни катта қилиб, уйли-жойли қилгач, оналаримизнинг “айланадиган” жойи кўпинча касалхона ва поликлиникалар...

Айтиш лозим, бугун аёллар ўртасида онкологик ёки охири ногиронлик билан яқунланадиган кўплаб касалликлар авж олди.

Нотўғри ва тартибсиз овқатланиш, истеъмол қилинган маҳсулотларнинг аксариятида танага зарар берадиган моддаларнинг кўплиги, кам ҳаракатлилиқ аёллардаги касалликларнинг бош сабабидир. Ва яна тўй-ҳашамлардаги дастурхонлардан тартибсиз таомланишади. Кунда-кунора бўлаётган зиёфатлардаги исроф қилинаётган маҳсулотлар ҳам зарардан бошқа нарса эмас.

“Ҳеч кимдан кам бўлмай” дея дабдабаларга, кераксиз буюмларга сарфланаётган маблағларни тўғри йўналтирганида эди, саломатлиги ҳам, руҳий ҳолати ҳам яхши бўларди. Бир нечта либосларни бўлиши, ўзини кўз-кўз қилиш учун оҳори тўкилмаган уй жиҳозларини алмаштириши маблағга бориб тақалади. Масалан, оёғи оғриб турса ҳам беҳуда пул сарфлашдан тўхтамайди ва оғир вазиятга етиб келганидагина шифокорга боради.

Икки-уч танишимда суяк емирилиши бошланган. Аммо улар лозим бўлганидек, даволанаётганлари йўқ. Ўзимча самарали шифо усулларини ўрганиб, уларга таклиф қилдим. Жавоблари эса қалбимни парчалаб юборди:

– Қизимни унаштириб қўйганман. Олдимда тўй турибди. Сарпо-суруқ. Бунақа катта харажат қила олмайман!

– Фарзандим фарзандли бўлган. Бешиқ тўйи қилади. Тоғора жўнатишим керак... Бунча пул йиғишга имконим йўқ...

Шунга ўхшаган аёллар оз эмас.

Уларга айтмоқчи бўлган бир сўзим бор: Сиз бу дунёга ҳўжакўрсин ҳой-ҳаваслар ортидан чопиш учун эмас, Ал-

лоҳга ибодат қилиш учун, Яратганга ибодат қиладиган солиҳ фарзандлар тарбиялаш учун келгансиз! Танангиз соғ бўлмаса, ибодатларни қандай мукаммал бажарасиз?! Мақсадни тўғри қўйинг! Аллоҳ азза ва жаллага муносиб тарзда ибодат қила олиш учун ҳам омонат танни, саломатликни асранг! Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилдилар: **“Икки неъмат бор, қўпчилик кишилар бу иккисининг қадрига етмайдилар: сиҳат-саломатлик ва хотиржамлик”** (Имом Бухорий ривояти). Дарҳақиқат, сиҳат-саломатлик шунчалик улуғ неъмат экан, уни йўқотмасдан туриб қадрига етиш талаб этилади.

Манзура МАМИРОВА,
Андижон вилояти
Марҳамат тумани



Румайсо розияллоҳу анҳо

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Менга жаннатда Абу Талҳанинг аёли Румайсо кўрсатилди»**, дея унинг жаннатий эканини башорат берганлар.

Умму Сулайм куняси билан танилган бу аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан 14 та ҳадис ривоят қилган. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолати Мадинаи мунавварага етиши билан биринчилардан бўлиб иймонга келган ансория аёллардан. “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ходими” дея танилган, узоқ умр кўрган саҳобий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг онаси.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларидан сўнг барча мадиналик аёллар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳар хил совға-саломлар улашди.

Оқила аёл Румайсо розияллоҳу анҳо эса ўғли Анас ибн Молик розияллоҳу анҳони етаклаб келиб: “Ё Расулуллоҳ, мадиналик аёллар сизга турли ҳадялар улашмоқда. Менда ҳадяга арзигулик нарсаси йўқ. Қўлимдан келгани – ўғлимни хизматингизни қилсин, дея олиб келдим. У сизга ҳам ўғил, ҳам ходим, ҳам шогирд бўлсин. Қўлидан келганича хизматингизни қилсин”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳадялар орасидаги энг гўзали шу бўлди!”** дедилар. Чунки Набий алайҳиссалом болаларни жуда яхши кўрардилар.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Ухуд жангида мусулмонлар қўшини мағлуб бўлди. Кўпчилик аскарлар тарқалиб кетди. Ўша кунни Ойша бинти Абу Бакр ва онам Умму Сулайм югурганча аскарларга сув тарқатишарди”. Бу воқеа Румайсо розияллоҳу анҳонинг ҳар қандай вазиятда Аллоҳнинг дини устун бўлиши учун фидойилик кўрсатганидан дарах беради.

Румайсо Бани Нажжор уруғидан бўлиб, Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламга она томондан қариндош эди. Гоҳида у зот алайҳиссалом куннинг иссиғида уларнинг уйига кириб, бироз ухлаб олардилар. Ана шундай пайтда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак баданларидан тер оқса, Румайсо розияллоҳу анҳо уни бир идишчага йиғиб оларди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Буни нима қиласизлар?”** деб сўрасалар, “Мушкимизга қўшамиз, у янада хушбўй бўлади!” дерди.

Румайсо розияллоҳу анҳо дастлаб мадиналик Молик ибн Назир деган киши билан турмуш қурганди. Бу турмушидан Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу дунёга келган.

Ўғли Анасни болалигидан Ислом фитратида тарбиялашга иштиёқи баланд эди. Бир кун у Анасга шаҳодат калимасини ўргатаётганди, турмуш ўртоғи Молик ибн Назир келиб қолди. У жуда ғазабланиб: “Ўғлимнинг эътиқодини бузма!” деди. “Мен унинг эътиқодини бузмайман, аксинча, уни тузатишга ҳаракат қиляпман”, деди у вазминлик билан.

Бу воқеадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Ислом таклифини қабул қилмаган Молик ибн Назир оиласини ташлаб, Шомга кетди ва ўша ерда вафот этди. Эрининг вафотидан сўнг Румайсо розияллоҳу анҳо оғир кунларни бошдан кечирди. Оила ташвиши ва

фарзандининг нафақаси ўзига қолган эди.

Унга совчи қўйганлардан бири Абу Талҳа: “Ўғлинг Анас катта бўлиб қолди. У энди кўпчиликнинг ичида ўз сўзини айта олади”, деди. Румайсо розияллоҳу анҳо унга: “Эй Абу Талҳа, сен насаби тоза, обрўли кишисан. Аммо ўртамизда бир тўсиқ бор. Сен мушрик, мен эса муслимаман. Сенга турмушга чиқишим мумкин эмас”, деб жавоб берди. Абу Талҳа: “Менинг олтин-кумушларим қаёқда-ю, сенинг айтаётган бу гапинг қаёқда?! Нималар деяётганингни яна бир ўйлаб кўр”, деди. Румайсо розияллоҳу анҳо жиддий туриб: “Менга олтин ҳам, кумуш ҳам керак эмас. Ислонни қабул этсанг, сенинг мусулмонлигинг никоҳ учун оладиган маҳрим бўлсин. Менга бошқа нарса керак эмас!” деди.

Шундан сўнг Абу Талҳа Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида мусулмон бўлди. Шартга мувофиқ ўша пайтдаёқ Абу Талҳа билан Румайсо розияллоҳу анҳонинг никоҳлари ўқилди.

Бу никоҳдан Аллоҳ таоло у иккисига ўғил фарзанд ато этди. Абу Талҳа ўғлига меҳр қўйди. Аммо кутилмаганда бола бетоб бўлиб қолди. Абу Талҳанинг фикру ёди ўғлида эди. У уйига келган заҳоти ўғлининг ҳолидан хабар оларди. Шу тахлит давом

этаётган кунларнинг бирида гўдак вафот этди. Бу вақтда Абу Талҳа Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эди. Румайсо розияллоҳу анҳо ана шундай мусибатли онларида ҳам бутун Ислон умматига сабоқ бўладиган гўзал сабр соҳибаси эканини намоён этди. “Жаннат райҳони” бўлган гўдагини тўйиб-тўйиб ҳидлади, юзларидан ўпди, кейин уни ювиб, кафанлади. Унга хушбўйлик сепаркан, кўзларидан аччиқ-аччиқ ёшлар тўкди. Сўнггра боланинг устини ёпиб қўйди. Тўнғич ўғли Анас розияллоҳу анҳуга укасининг вафоти ҳақида отасига ҳеч нарса демасликни тайинлаб, уни Абу Талҳани чақириб келиш учун юборди.

Румайсо хушбўйланган, зийнатланган ҳолда турмуш ўртоғини кутиб олди. Абу Талҳа келиши билан ўғлининг аҳволини сўради. Румайсо розияллоҳу анҳо: “Ўғлимизнинг аҳволи аввалгидан анча яхши”, дея ғамли кўзларини эридан олиб қочди. Бу жавобдан сўнг Абу Талҳа анча хотиржам бўлди. Улар ўша тунни бирга ўтказишди.

Тонг чоғи масжидга кетиш учун тараддуд кўраётган Абу Талҳанинг ёнига келган Румайсо розияллоҳу анҳо аста-секин гап бошлади: “Эй Абу Талҳа, агар бир киши бировдан омонат олса,

сўнг уни эгасига қайтармасликка ҳаққи борми?” “Йўқ, албатта, омонат эгасига қайтарилиши керак”, деди Абу Талҳа. Шундан сўнг Румайсо розияллоҳу анҳо: “Аллоҳ таоло бизга омонатга ўғил берган эди. Энди эса ана шу омонатини қайтариб олди”, деди. Абу Талҳа: “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун”, дея дарҳол истиржо айтди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб намоз ўқигач, у зотнинг ёнларига бориб, кеча шомда ўғли вафот этгани, аммо бундан беҳабар ҳолда кечани аёли билан ўтказганини айтди. Ана шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Раббим! Буларнинг ушбу кечасини баракотли қилгин”**, деб дуо қилдилар. Сарвари коинотнинг ушбу дуолари ижобати ўлароқ меҳрибон Аллоҳ уларга Абдуллоҳ ибн Абу Талҳани ато этди. Абдуллоҳга эса тўққизта фарзанд бердики, уларнинг барчаси ҳофизи Қуръон бўлиб етишди...

Умму Сулаймнинг оналик мақомидаги гўзал сабри, рафиқалик вазифасидаги эрига итоати, ҳақиқий иймон соҳибаси сифатида қазои қадарга розилиги ҳамда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дуолари баракоти эди бу!..

Мавжуда НУРИДДИН қизи

Абу Бакр розияллоху анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларида бир киши зикр этилди. Ўтирганлардан бири уни мақтади. Шунда Набий алайҳиссалом: **«Шўринг қурсин! Дўстингни бўйнини синдирдинг-ку!»** деб бир неча марта айтдилар. Сўнг-ра у зот: **“Агар бирингиз мақташга мажбур бўлиб қолса, “менимча уни бундоқ**

лишгача етаклайди. Маддоҳнинг мақтовидан фитналанишдан омонда бўлиш учун мўмин: **“Парвардигоро! Улар айтаётган нарса билан мени ушламагин. Азобингга гирифтор айлама. Улар билмайдиган мендаги нарсаларни мағфират этгин** (Имом Бухорий ривояти). **“Ва мени улар ўйлаганидан ҳам яхшироқ қилгин”** (Имом Байҳақий ривояти), дея Аллоҳдан паноҳ сўрайди.

Муслим, Имом Термизий ривояти). Ушбу ҳадисдан маддоҳларни қилмишидан қайтариб туриш ҳам зурурлиги кўринади. Акс ҳолда, улар ҳаддан ошиб, ўзаро мусобақалашиб бораверишади.

Маддоҳ юзига тупроқ сочиш уламолар баҳсига сабаб бўлган. Бир ўринда айтилади: **«“Юзига тупроқ сочинг”**, деганда маддоҳ юзига ҳақиқий маънода тупроқ сочиш тушу-

Мақтовларга алданманг

ва шу сингари деб ўйлайман” десин. Агар мен билганимдек ана шу сифатларга эга бўлса, “Унинг кифоячиси Аллоҳдир, Парвардигорнинг олдида бирор киши айбсиз эмас”, десин, дедилар» (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

“Шўринг қурсин! Дўстингни бўйнини синдирдинг-ку!” Бағовий айтади: “Кишининг бировни мақташи макруҳ. Чунки маддоҳ камдан-кам ҳолда рост сўзлайди. Бунинг устига одам кўп ҳолларда мақтовлардан фитналаниб қолади”. Умар розияллоху анҳу ҳузурларида бир кишини мақтаганга: **“Ўртоғингни майиб қилдинг. Аллоҳ ҳам сени майиб қилсин”**, деб танбеҳ берган.

Ноўрин, фасодга сабаб бўладиган мақтов инсонни кибрланиш, одамгарчиликдан чиқиш, қалбга риё оралашига, ҳатто яхши амалларни тарк этиш ёки бажаришда қосирлик қи-

“Агар бирингиз мақташга мажбур бўлиб қолса, “менимча уни бундоқ ва шу сингари деб ўйлайман” десин. Агар мен билганимдек ана шу сифатларга эга бўлса, “Унинг кифоячиси Аллоҳдир, Парвардигорнинг олдида бирор киши айбсиз эмас”. Бу ерда ўзидан кетиш, адашишга мойил кишилар юзига мақташ ҳақида сўз кетмоқда. Қалбдаги иймон, содиқлик, тақво каби ғайбга боғлиқ масалаларда ҳам қатъий жазмсиз **“ўйлайманки, гумонимча”** деган лафзларни ишлатиш мақсадга мувофиқ.

«Бир киши келиб Усмон розияллоху анҳуни юзига мақтади. Миқдод ибн Асвад тупроқ олиб, маддоҳ юзига сочди ва: **“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Қачон маддоҳларни кўрсангиз, юзига тупроқ сочинг”**, деган эдилар”, деди» (Абу Довуд, Имом

нилади. Бу ишни ҳадис ровийси Миқдод ибн Асвад амалда қўллаган. Шунга ўхшаш иш қилганлар ҳам кўп бўлган». Айримлар бундай дейишган: “Тупроқ сочишдан мақсад – мол ва мукофот олиш учун тилёғламалик қилувчи маддоҳнинг умидини пучга чиқариш, кўзлаган нарсасини бермасликдир”. Яна баъзилар: «Мақталган одам маддоҳга **“оғзингга тупроқ тўлсин”**, дейди. Араблар кимнингдир гапиришини ишашмаганида шу иборани қўллашади», деб фикр билдиришган. Бир гуруҳ олимлар: “Мақталаётган киши тупроқ олиб ўзининг атрофига сочади. Бундан мақсади тупроқдан яратилгани ва яна тупроққа қайтишини эслаб, эшитган мақтовларидан туғёнга кетмаслигидир”, дейишган. Яна айтилади: “Маддоҳга сўраган нарсасини бериш. Чунки ер юзаси-

даги барча нарса асли тупроқдан яралган”. Байзовий ҳам шу фикрда бўлган: “Тупроқ сочиш сўзи муболаға сийғасида келиб, сўраган нарсасини бериб юборишни билдиради”.

Хаттобий айтади: «Маддох макташни одатга айлантирган. Мактаётган кишисидан тама қиладиган одам. Лекин баъзи ҳолларда кишини яхши амалларига муносиб рағбатлантириш, атрофдагиларни ҳам шундай ишларни қилишга қизиқтириш учун макташ мумкин. Бу маддохлик дейилмайди. Миқдод розияллоху анху тупроқнинг ўзини ишлатиш билан ҳадис зоҳирига амал қилди. “Тупроқ сочиш” лафзини маҳрум этиш маъносида ҳам ишлатиш мумкин. Яъни, сизни кимдир мақтовлар билан олқишласа, хоҳлаганини бермай ноумид қилинг, чунки у тилёғламалик қилиб нарса сўраяпти».

Эҳтиёж юзасидан ўзини макташга рухсат берилади. Масалан, совчи қўяётганда қизнинг оиласига фазилатларини айтиши жоиз. Халққа раҳбар бўлишни истаган одам, ўзидан бошқа лойиқроқ номзод бўлмаса, ўзини танитиш учун макташи мумкин. Юсуф алайҳиссалом: “Мени шу ернинг хазинабони қилиб қўй! Зеро, мен (омонатни) сақловчи ва (ўз ишини пухта) билувчидирман”, деб айтган (Юсуф сураси, 55-оят). Ўзига ишонган, бошлиқликни тўла-тўқис адо этишга кўзи етган, халққа қайси жойда кўпроқ фойда келтириши мумкинлигини

билган шахс бундай сўз айтиши мумкин.

Саҳобалардан баъзилари илмдаги даражаларини билдиришар, мақсадлари ўзгаларни қизиқтириш, шижоатлантириш эди. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху бундай дерди: “Ундан Ўзга илоҳ йўқ Зотга қасам, Аллоҳнинг Китобида қачон ва қаерда тушганини мен билмайдиган сура йўқ. Ҳар бир оят нима ҳақида нозил қилинганини биламан” (Имом Муслим ривояти).

Мубоҳ мақтовнинг шартли кўп бўлмаслиги, эҳтиёж туғилганда биров ишлатилиши, кишини яхши амаллари учун рағбатлантириш, Аллоҳ таолонинг унга берган неъматларини эслатиш учун айтишдир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам кўп ҳолларда шундай қилардилар. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Эй Ибн Хаттоб! Жоним қўлида бўлган Зотга қасам, йўлингда шайтон сени учратиб қолса, албатта, ўзига бошқа йўл топиб олади”**, дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти). Шунингдек, Абу Бакр Сиддиқни ҳам жуда кўп фазилатларини айтиб мақтардилар. Бундай қилишларига сабаб эса ўша инсонларнинг ҳақиқатан ҳам шундай экани ва бу мақтов билан туғёнга кетмаслиги, аксинча, янада имони зиёда бўлишини билганларидан эди.

Насихат юзасидан кишининг ўзида бор яхши сифат-

ларини эслатиб, сўнгра қиладиган ишларининг янада мукамал бўлиши, тарк этаётган амалларидан янада кўпроқ тийилишини истаб айтилган мақтов ҳам бор. Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг: **“Абдуллоҳ қандай ҳам яхши йигит, агар кечалари намозга қоим бўлса”**, деганларини эшитган Абдуллоҳ ибн Умар таҳажжуд намозини канда қилмаган.

Жоиз кўрилган мақтов турларидан яна бири, ота-она, диний ёки ижтимоий мавқега эга бўлган фазл эгалари, масалан, устозларга раҳмат ва мақтовлар айтилиши бўлиб, бу уларга Аллоҳ таолонинг марҳаматидир. Абу Зар розияллоху анху дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан: **“Ё Расулуллоҳ, яхши амалларни бажарадиган киши ва бу ишлари учун мақталиши ҳақида нима дейсиз?”** деб сўрашди. У зот алайҳиссалом: **“Бу мўминга берилган башоратнинг шу дунёдагисидир”**, деб жавоб бердилар.

Қораланган ва мақталган мадҳ орасидаги фарқ ўта назиклиги сабабли мақтовлардан қаттиқ сақланиш ва зарурат бўлмаганда фойдаланмаслик лозим. Бир одамнинг яхшилиги учун раҳмат айтиш мустаҳаб амал.

Имом Муслим “Саҳиҳ” асари шарҳлари асосида
“Хадичаи кубро” ўрта махсус
 ислом билим юрти
 ўқитувчиси
Сурайё МУРОДЖОН
 қизи тайёрлади.

Таъзиядаги бидъатлар

Халқимиз орасида билиб-билмай бидъат-хурофотларга қўл ураётганлар кўпчиликини ташкил этади.

Мисол учун, Бухоро ва Навоий вилоятининг айрим ҳудудларида аза маросимига махсус либос кийилар экан. Ўзини маййитнинг яқини деб ҳисоблайдиган аёллар бошларига лачак (қийиқча каби, фақат ўралишида фарқ бор; лачак бўйин билан қўшиб боғланади) кийиб, унинг устидан оппоқ дока рўмол ўрайдилар, эгниларига тўқ рангдаги кенг халат, ёзнинг жазирама иссиғи бўлишига қарамай, оёқларига маҳси-ковуш киядилар ва белларини дока белбоғ билан чандиб оладилар.

Бошқа вилоятларда ҳам маййитнинг “йигирмаси” ёки “қирқи” гача махсус рангдаги либос кийиш одати ҳали-ҳамон давом этмоқда. Жумладан, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги айрим ҳудудларда вафот этган кишининг яқинлари бир йилгача оч тусдаги кўйлак, бошига оқ рўмол ўраб юришади. Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида марҳумнинг яқинлари то бир йил ёки олти ойгача, об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар, маҳси-калиш кийиб юрадилар. Яна мазкур ҳудудда марҳум эркак киши бўлса, унинг аёли тобутнинг бир четидан кўтариб қўяди. Гўё шундай қилинмаса, эркак хонадондаги баракани ўзи билан бирга олиб кетармиш.

Азага кўримли либосда борилса, маййитнинг яқинлари овоз чиқариб йиғламаса, атрофдагиларнинг таъна-маломат қилиши бор гап. Маломатчилар маййитнинг яқинларини марҳумдан қутулолмай юрганликда, марҳумни ҳурмат-иззат қилмасликда айблашади. Кўпчилик ана шундай гап-сўзга қолишдан чўчиб, эркак-аёл бўлишига қарамай, маййит олиб чиқиб кетилаётганда ерга муштраб, баланд овозда марсия айтиб йиғлашга одатланган (Хоразм вилояти).

Эҳтиёж бўлмаса ҳам, маййит ювилган хонага қирқ ёки йигирма кунгача чироқ ёқиб қўйилади. Қирқинчи куни ширгуруч, ҳолвайтар, чучвара, чалпак каби егуликлар пишириб тарқатилади (масалан, Тошкентда ҳолвайтар, Қашқадарёда ширгуруч). Айтишларича, шу куни маййитнинг товони ёрилар эмиш, ушбу муносабат билан юқоридаги таомлар унга енгиллик бўлсин, деб тарқатиларкан (Анджон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларининг айрим ҳудудлари).

Бидат қилиб ўлик чиққан хонадонда уч кунгача овқат пиширилмайди, етти кунгача кир ювилмайди. Уч кунлик, етти кунлик, йигирма кунлик, қирқ кунлик, бир йиллик қилиб, моддий имконияти бор-йўқлиги инобатга олинмай (қарз олиб бўлса ҳам), маййит ҳаққига ош берилади, айрим ҳудудларда қўй сўйилади (ҳозирда мазкур маросимлардан кўпгина ҳудудларда воз кечилган, аммо айрим жойларда ҳалигача уларга амал қилиб келинади).

Яқинда кўзи ёриган аёлнинг бирор қариндоши вафот этса, икки чилла бирга бўлди, дея ирим қилиб, маййит ғусл қилдирилган сувдан ортгани олиб кетилади-да, чақалоқ ва онаси ювинтирилади. Маййитни ювишга кирганлар ҳам ўликнинг “юк”и тушмасин, дея ана шу сувдан олиб кетиб, ювинадиган сувига қўшиб фойдаланади. Маййит ғусл қилдирилган сувни кўп қайнатиш, устига сув қўшиш мумкин эмас. Гўё шундай қилинса, азага аза эргашармиш. Яна “Ўлик-зиён”, деган гап бор, дафн маросимидан сўнг марҳумнинг бирор қариндоши оғирроқ касалликка чалинса, ўлган одамнинг бирорта кийими билан бемор “халос” ланади (Қашқадарё)...

Бу каби бидъатларни санаб адоғига ета олмаймиз. Ҳеч кимга фойдаси тегмайдиган бир талай бидъатларга биргина

ҳақиқатни англаш орқали ечим топилади. Вафот этган яқинларимизга Қуръони карим тиловати, холис мақсадда улашилган хайр-садақа, қилаётган яхши амалларимизнинг савоби баракасидан ўзга нарса етмайди.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳақиқий мусулмон мусулмонлар унинг тили ва қўлидан саломат бўлган одамдир”, дедилар** (бешовлари ривоят қилган). Шундай экан, мусулмонлар кўриниши билан ҳам, овози билан ҳам атрофидаги мусулмонларни безовта қилиши яхшилиқ аломати эмас. Юқоридаги бидъат амаллар ортида шу каби озорлар яширин.

Хўш, бу каби бидъат-хурофот амаллар бизга яна қандай зарар етказади? Уламоларнинг айтишича, бидъатнинг зарарлари қуйидагилардир:

1. Бидъатчининг қилган яхши амаллари ҳабата бўлади.

2. Шайтон бидъат аҳлига яқинлашади.

3. Бидъатчининг наздида ҳақ билан ботил аралашиб кетади.

4. Динимизни яхши билмаганлар бидъатчининг амалини Исломдан гумон қилиб, динга нисбатан нафрати кўзғалади.

Энг ёмони, бидъатчи ўзини ҳақ йўлда деб ҳисоблаб, ўзгаларни ўзига эргашмаганликда айблайди. Ҳаттоки бидъати учун савоб олишига қаттиқ ишонади.

Бидъатдан йироқлашишнинг энг ишончли йўли Қуръони карим, тафсир, ҳадиси шарифлар билан маънавиятни бойитиш. Шариат буюрган амалларга итоат қилишда, Раббининг зикрида, Қуръони карим мутолаасида собитқадам бўлган банданинг қалби фурқонга айланиб, ҳақ ва ботилни ажратадиган ҳолатга етади. Барчамизни ҳақни фарқловчи ва унга сўзсиз эргашувчилардан қилсин!..

Мавжуда АБДУЛЛОҲ қизи

Ҳаловат – ҳалолликда

Ҳаром бу – етим-есирнинг, беванинг, хаста-беморнинг, ногироннинг ҳақи, яъни ўзга кишига тааллуқли бўлган нарса, ўзганинг ризқи ва насибасидир.

Отам раҳматли бизга бировнинг ҳақиға риоя қилишни ўргатган. У киши: “Фарзандларим, ўз касбингизни севиб, нонингизни ҳалоллаб топинг. Баъзан осон ва енгил пул топиб, бировни алдаш билан мулкани эгаллаб олиш осон бўлиб кўринади. Ҳалол, тўғри йўл билан пул топиш мушкулдай гўё. Ҳамиша ҳалолликни ихтиёр этинг. Қалбингиз хотиржам, топганингиз баракотли бўлади”, дерди.

Абу Абдуллоҳ Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: **“Дарҳақиқат, ҳалол нарсалар аниқдир, ҳаром нарсалар ҳам аниқдир. Иккисининг ўртасида эса шубҳали бўлган нарсалар ҳам борки, кўпчилик уларни билмайди. Бас, кимки шундай шубҳали нарсалардан ўзини эҳтиёт қилса, динини ҳам, номус-обрўсини ҳам покиза асраб қолади. Бунинг мисоли бировнинг қўрғони атрофида сурувни ўтлатиб юрган чўпонга ўхшайди. У қўйларининг беҳосдан ўша қўрғонга ҳам кириб кетишидан омонда бўлмагани сингари шубҳали нарсалардан ўзини эҳтиёт қилмаган киши кейинчалик ҳаромга ҳам аралашиб қолади. Огоҳ бўлинг, ҳар бир подшонинг қўрғони бўлади! Огоҳ бўлинг, Аллоҳнинг қўрғони Унинг ҳаром қилган нарсаларидир...»** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ҳаромнинг кенг ёйилишига лоқайдлик, “Менга нима?”, “Мен нима қила олардим?!”, “Мени эшитармиди?!” дейиш ҳам сабабдир. Аммо бугун биз эътибор бермай ўтиб кетсак, эртага фарзандимиз ҳам шундай ҳолатга тушиши мумкин. Огоҳ бўлайлик!

Саодат СОДИҚОВА,
Хоразм вилояти Янгиариқ
тумани бош отинойиси



Набий алайҳиссаломнинг табиатлари

Ҳазрати Ойша бир нарсани яхши кўрса, Набий алайҳиссалом унга мойил бўлар эдилар!

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хуштабиатли инсон эдилар. Ойша розияллоҳу анҳо нимани истаса, унга мойил бўлар эдилар. Ҳаж тугагач, Ойша розияллоҳу анҳо умра қилишни истаб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни акаси Абдурахмон ибн Абу Бакр розияллоҳу анҳумо билан умрага жўнатди-

лар. Улар Танъимдан ният қилиб келишди”.

Жобир розияллоҳу анҳунинг нозик таъбирига боқинг: “Ойша розияллоҳу анҳо нимани истаса, унга мойил бўлар эдилар”.

Олийжаноб эр хотинининг шаръий талабларини эътиборга олади. Аёли ота-онасини зиёрат қилмоқчи бўлса, рухсат беради. Уйда зерикиб, айланишни истаса, олиб чиқади. Дугоналарини чақирмоқчи бўлса, рухсат беради.

Маҳрум қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Тақдим

қилишга эса барча ҳам қодир эмас. Қалб қаттиқлиги қаҳрамонликмас, ҳалимлик қаҳрамонликдир.

Ҳазрати Сафия туяга миниши учун тиззаларини қўйдилар!

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хизматчилари Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам туялари олдида ўтириб, Сафия розияллоҳу анҳога тиззаларини тик қилиб қўйиб турганларини кўрдим. Сафия розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тиззаларига оёғини қўйиб, туяга минди!”

Бу дин муҳаббат, нафислик, раҳмат ва гўзал муомала асосига қурилган. Аммо афсуски, биз динга фақат эътиқод сифатида қараймиз, сулук сифатида эмас! Уни ҳаёт тарзимизга сингдириб олмаганмиз.

Гўё кўплар наздида муҳаббатни изҳор қилиш айбдек. Гўё лутф кўрсатиш уятдек.

Қалбларимиз қотди. Бора-бора диндан ташқарида кўрганларимиз кўзларимизни яшнатадиган, қамаштирадиган бўлиб қолди. Ҳолбуки, динда тошбағирлик, юз ўгириш, зулм, зўравонлик, хотинларга бепарволик, уларга қаҳри қаттиқлик йўқ.



Адашганлар

Шундайлар борки, ҳадисларни ёлғонга чиқаришади. Суннат деган нарсa йўқлигини айтишади. Имом Абу Ханифа, Имом Молик, Имом Шофеъий ва Имом Аҳмадга бизнинг эҳтиёжимиз йўқ дейишади. Қуръонни тушуниш учун Баҳийронинг иймонига ўхшаш иймон кифоя, деб айтишади. Сийратни тўқимага, Исро ва Меърожни афсонага, ойнинг иккига бўлинганини эртакка чиқаришади.

Энг ёмони – бугунги Қуръон илк нозил бўлган Қуръондан фарқланишини даъво қилишади. Намоз оддийгина ҳаракатлар экани, иймон қалбда бўлиши, қалбингиз билан истаганингиздек ибодат қилиш мумкин, дейишади.

Ҳақиқий дин гўё “инсонийлик” эканини, буни қабул қилиш лозимлигини, сўнг истаган динга ўтса бўлишини айтишади. Уларга қарши бўлганларга, улар би-

лан ҳамфикр бўлмаганларга нисбатан ўзларида “одамийлик”, “инсонийлик” тушунчалари ҳеч қачон топилмайди...

Ундайлар Ислomдаги ғайбиётларни унутишга зимдан даъват қилишади. Набий алайҳиссаломнинг пайғамбарликларидан кўра давлат раҳбари бўлганларини кўпроқ эслатишади. Тўғри, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам давлат бошлиғи бўлганлар, хулқлари гўзал бўлган, қўмондон эдилар. Аммо биринчи галда пайғамбар эдилар. У зотга ваҳий келган. Буни унутмаслик керак. Чунки ғайбиёт билан доимий боғланиши бор!

Абу Бакр Жазоирий раҳимаҳуллоҳ Аллоҳнинг борлигини исбот қилиш бора-сида ёзган битиклари сўнггида: “Раббим! Шафоатчим Сенинг ҳузурингда. Мени авф қилишинг учун мен ўзимдаги ҳаё ва хижилликни васила қиламан. Мен Сенга далил

келтирдим. Ҳолбуки, Сен ҳеч қачон яширин бўлмаган очиқ-равшан Зотсан! Сен бутун борлиқни мавжуд қилган Мавжудсан!” деб қайд этади.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сиздан ким бир мункари ишни кўрса, қўли билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, дили билан қайтарсин, ана ўша энг заиф иймондир”**, дедилар (бешовларидан фақат Имом Бухорий ривоят қилмаган).

Шундай экан, адашган тоифаларни қўлимиз, тилимиз билан бу ишларидан қайтарайлик. Яқинларимизни уларнинг таъсирига тушиб қолишдан асрайлик.

Абдулқодир ПОЛВОНОВ



МАҲРНИ КИМ АДО ҚИЛАДИ?

САВОЛ: Ҳайз ҳолатида Ихлос сурасини айтиб юрсам бўладими?

ЖАВОБ: Аёл киши ҳайз ҳолатида Қуръон ўқиши мумкин эмас. Ихлос сураси ҳам Қуръони карим сураларидандир. Ёд олган сураларини эшитиши ёки тилига чиқармасдан, қалбидан ўтказиши мумкин.

САВОЛ: Ҳомиладор аёл қибла тарафга бош қўйиб ухлаши мумкин эмас, деб эшитдик. Шу қанчалик тўғри?

ЖАВОБ: Одамлар орасида шундай нотўғри тушунча мавжуд. Бу гап диний асосга эга эмас. Албатта, суннатга мувофиқ ётиш, яъни қиблага юзланиб, ўнг ёнбош билан ётиш мақсадга мувофиқдир.

САВОЛ: Танишларимдан бири менга: “Кимнинг учта фарзанди бўлса-ю, улардан бирортасига Муҳаммад деб исм қўймаса, аниқ жоҳилик қилибди”, деган ҳадис жўнатди. Ҳақиқатдан ҳам шундай ҳадис борми?

ЖАВОБ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва сал-

ламнинг муборак исмларини мусулмонлар саҳобалар давридан бошлаб ҳозиргача у зот алайҳиссаломга муҳаббатлари туфайли фарзандларига қўйишади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча ҳадиси шарифларида муборак исмларини фарзандларига қўйишни мусулмонларга тавсия қилганлар. Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Исмимни қўйинглар, аммо куням билан куняланманглар”, деганлар.

Аммо сиз келтирганингиз тўқима ҳадис ҳисобланади.


САВОЛ: Мийқотдан эҳром боғлаб Маккага келгандан кейин гуруҳимиздаги уч-тўрт аёл кийимларини алмаштириб, шу кийимлари билан умра қилишибди. Бунинг зарари йўқми?

ЖАВОБ: Аёллар учун эҳромда махсус либос йўқ. Муҳими, авратини ёпадиган, тана аъзоларини билдирмайдиган ва одамларни ўзи-га жалб қилмайдиган кийим

бўлишидир. Тикилган кийим эркаклар учун тақиқланган. Аёллар ҳар қандай тикилган кийим кийишлари мумкин. Шундай экан, саволда зикр қилинган аёлларнинг кийим алмаштиришларида ҳеч қандай жиноят ҳам, кароҳият ҳам бўлмайди.

“Аёл киши ўзига маъқул бўлган рўмол, кўйлак, лозим, махси ва қўлқопларни кияверади” (“Ғунятун носик”).

САВОЛ: Эҳромдаги аёл сурма, қалам қўйса бўладими?



ЖАВОБ: Эҳромдаги киши хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, кўзига сурма қўйиши жоиз. Бу ҳақда “Бадоеъ” китобида қуйидагича келти-

рилган: “Сурма хушбўйлик эмас. Эҳромдаги киши хуш бўй аралаштирилмаган сурма ишлатиши мумкин”.

Шунинг учун агар сурмага хушбўйлик аралаштирилган бўлса, ундан фойдаланиш жоиз бўлмайди. Аёллар қошига қалам қўйиши ҳам унда бир хушбўйлик бўлмагани учун мумкин бўлади. Лекин зийнатланиш маъносида сурмадан ҳам, қаламдан ҳам фойдаланмаслик афзалдир. Шундай бўлса-да, бирор аёл зийнат маъносида сурма ёки қалам қўйган бўлса, унга бирор нарса вожиб бўлмайди. Қолаверса, кўздаги бирор касаллик туфайли даво маъносида сурмадан фойдаланиш жоизлиги ҳадисларда келган. Жумладан, “Саҳиҳ Муслим” китобида Усмон ибн Аффон розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилади: “Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламдан кўзи оғриган эҳромдаги киши ҳақида (ҳазрати Усмон) ҳадис айтдилар. У киши кўзларига сибр (аччиқ дарахтнинг суви)дан суртиб қўяди”.

САВОЛ: Онам, опам умра ва ҳажга бориб келдилар, қачонгача кўчага чиқишмайди? Опам ҳамшира бўлиб ишлайди. Неча кундан сўнг ишга қайтади? Холам 10 кунгача кўчага чиқилмайди, дебди. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Умрага ёки ҳажга бориб келган аёллар маълум муддат кўчага чиқмасликлари керак, деган гап мутлақо нотўғри. Агар зарурат бўлса, эри ёки бошқа маҳрамларининг рухсати билан чиқишлари мумкин.

САВОЛ: Менинг янгам тикувчилик билан шуғулланади. Унга бир аёл тикувчилик гуноҳ, дебди. Шу гап қанчалик ҳақиқат?

ЖАВОБ: Тикувчилик билан шуғулланиш гуноҳ эмас. Аёл киши тикувчилик меҳнати билан шуғулланиши дуруст.

САВОЛ: Қиз маҳрга бирор нарса сўраса, шу нарсани йигитнинг ўзи томонидан олиниши керакми ёки йигитнинг оила аъзолари томонидан олинган бўлса ҳам бўладими?

ЖАВОБ: Аслида, аёлга бериладиган маҳр уни никоҳига олаётган эрнинг зиммасига вожиб бўлади. Аммо эрнинг номидан унинг яқинлари никоҳ ақдида айтилган маҳрни адо қилсалар ҳам, маҳр ўрнига ўтади.

САВОЛ: Муслмончиликда қизларнинг фарзандлари меросхўр бўлмайди, деб эшитгандим. Қиз эри билан ажрашиб, эри болаларни боқмаса, мерос, уй-жой қолдирмаса, энди бу бола-

лар она томондан бобосига меросхўр бўлса бўладими? Уларга она томондан бобоси закот, фидя берса бўладими?

ЖАВОБ: Ажрашган аёлнинг фарзандлари ўз оталаридан мерос оладилар. Аммо бу фарзандлар она томондан бўлган бобосидан мерос олишолмайди. Фақат битта истисно бор. Агар бобо вафот этганда ўша набиралардан бошқа бирорта қариндоши бўлмаса, улар мерос оладилар.

Уларга бобо ҳам, буви ҳам закот, фидя ва фитр садақасини бера олмайди.

САВОЛ: Мен яқинда, Аллоҳ насиб қилса, фарзандли бўламан. Агар қиз фарзанд бўлса, исмини Руқия деб қўйсам бўладими? Бу исмнинг маъноси ҳақида ҳам озгина маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Бу исмнинг тўғри кўриниши “Руқайя” бўлади. Уни қўйиш жоиз. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қизларидан бирининг исми шундай бўлган. Руқайянинг маъноси – нозик ҳис-туйғули, дидли, қадри баланд, юқори даражаларга кўтарилувчидир.

Ўзбекистон
муслмонлари
идораси Фатво маркази
Тел: (78) 150-33-44

Омонатга риоя қилиш – фарз

Аллоҳ таоло: “Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюрар. Албатта, Аллоҳ сизларга яхшигина насиҳат қилур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи Зотдир”, дея марҳамат қилади (*Нисо сураси, 58-оят*).

Мусулмон киши ҳар қандай шароитда омонатга риоя қилади. Омонатдорлик осмонлар, ер ва тоғлар залвори туфайли кўтаришдан бош тортган пайтда одамзод зиммасига олган ишдир. Аллоҳ таоло айтади: “Биз (бу) омонатни (чин бандалик омонатини) осмонларга, Ерга ва тоғларга тақлиф этдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди” (*Аҳзоб сураси, 72-оят*).

Хусусан, ибодатдаги омонат мусулмоннинг фарзларга амал қилишидир. Шунга кўра у диннинг фарзларини лозим бўлган даражада адо этади, намоз ўқийди ва рўза тутаяди, ота-онани ҳурмат қилади ва бошқа фарзларни оламларнинг Рабби Аллоҳга содиқлик билан бажаради.

Аъзолар муҳофазасидаги омонат деганда, аввало, аъзоларнинг ҳаммаси омонат эканини айтиб ўтиш зарур. Уларни асраб-авайлаш, Аллоҳни ғазаблантирган нарсага ишлатмаслик керак. Кўз ҳаромдан тийилиши, қулоқ эса ҳаромни тинглашдан сақланмоғи керак. Шунингдек, бемор бўлганда даволаниш. Танамизни пок ва соғлом сақлаш.

Ишдаги омонат инсон ўз бурчини энг яхши тарзда бажариши ҳисобланади. Ишчи ўз ишини пухта эгаллаб, тришқоқлик ва ҳалоллик билан бажаради. Шунингдек, аёл ҳам, фарзанд ҳам омонатдир. Уларнинг нафақасини қилиш, бемор бўлсалар, даволатиш, солиҳа, солиҳ қилиб тарбиялаш, хулқу атворларини яхшилаш бора-сида қайғуриш, буни назорат қилиш омонатга риоя қилиш ҳисобланади.

Орамизда бировнинг мулкани, ўзгага тегишли бўлган буюмни ўзлаштиришга ҳаракат қилаётганлар оз эмас. Ҳаттоки ишонган дўстига “Бу сенга омонат” деб ҳам панд еганлар бор.

Бир кадрдон инсонимнинг уйига меҳмонга бордим. Келин тушириш арафасида эди. Дастурхондаги ноз-неъматлар орасидаги бир идиш ёнида сал-пал кўриниб турган узук диққатимни тортди. Опа, мана бу тақинчоқни нега бу ерга қўйдингиз десам, танишим уни кўриб йиғлаб юборди.

Буни қайнсинглим келинимга қилган эди. Келин саломда тақаман деб ният қилган экан. Қайнсинглим: “Опажоним, бу сизга омонат” деб менга ташлаб кетганди. Тақинчоқни йўқотиб қўйдим. Кўнглимга гумон тушиб ўғирлатдим деб ўйлагандим. Шунча вақтгача кўрмаганимизни қаранг, барака топинг, топиб бердингиз.

Азизлар, ҳар биримиз зиммамиздаги омонатларга риоя қилайлик! Зеро, омонатга хиёнат қилиш оғир гуноҳ бўлиш билан бирга мунофиқлик белгиларидан бири ҳамдир. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “*Мунофиқнинг белгиси учта: сўзласа ёлғон сўзлайди, ваъда қилса бажармайди, омонатга хиёнат қилади*”, дедилар (*Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривоят қилган*).

Тўхтанор НУРИДДИНОВА,
Бухоро тумани
“Кучкумар”
маҳалласи отинойиси



Умр шамол каби тез ўтар...

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **“Кўп инсонлар улардан бебахра бўлган икки неъмат бор: соғлик ва бўш вақт”** (Имом Бухорий ривояти).

Аёллар асосий вақтини уй юмушларини бажариш, тўгаракка борган фарзандини кутиш ёки беҳуда суҳбатлар билан ўтказишади. Масалан, турли сериаллар, кўрсатувлар ва мусиқалар баъзан зарур вақтни ҳам ўғирлаб қўяди. Бугун фарзандларига тансиқ таом пиширишни режа қилган аёл телефонда сериал томоша қилишга берилиб кетиб, кеч бўлиб қолганини билмай қолади. Ёки бўлмаса уй бекаларини кулгига олган бир видеода аёл дугонаси билан соатлаб гаплашади, уй юмушлари қолиб кетади. Ишдан чарчаб келган эрнинг олдига ўзини бетобликка солиб чиқади. Бу аслида ҳақиқат бўлиб қолмоқда. Телефон, телевизор сабаб вақтини қандай қилиб ўтказиб қўйганини билмай қолган аёллар ёлғон гапиради ёки боласига қараганини айтиб баҳона қилишади. Бир жойда ўтириш ортиқча вазнга, соатлаб экранга тикилиш кўз касалликларига сабаб бўляпти.

Рўзғорнинг орасталиги, фарзандлар тарбияси аёлга боғлиқ. Оила учун аёл ҳар куни ривожланиши, тез-тез мутолаа қилиши керак. Бу ишлар зиммасида бўлган муслималар замонавий технологиялар сабаб вақтини зое қилиб қўймоқда.

Вақтни самарали қилиш учун телефонда бирор оятни тинглаб,

ёдлаш мумкин. Ёки турли зикрларни ўзида жамлаган электрон дастурлар талайгина. Масалан, “Zikr va duolar” дастури. Бу дастур Имом Нававийнинг “Ал-азкор” китоби асосида тайёрланган бўлиб, унда матнли, аудио шаклда маълумотлар берилади. Ёки ижтимоий тармоқларда “Hidoyat.uz”, “Mo'minalar.uz” каби каналлари ҳам кузатиб, ҳар куни фойдали маълумотлар оласиз. Шунингдек, диний илмингизни бойитиб бориш учун “Zikr ahidan so'rang” дастури айтиш мумкин.

Бугунги кунда оммалашган ва болалар учун мўлжалланган “Olim bola” дастури ҳам фарзандингиз илмли бўлиши учун тавсия этилади. Унда бола ҳам ўйнайди, ҳам илм олади.

Мутолаа, тил ўрганиш ҳозирги кунда муаммо бўлмай қолди. Бунинг учун тўгаракка бориш ёки оғир китобларни кўтариб юриш шарт эмас. Ёшлар ишлар агентлиги томонидан тақдим этилаётган “Ibrat farzandlari” дастури орқали ўнга яқин хорижий тилларни ўрганиш мумкин. Дастурда тил мутахассислари видео тарзида дарс ўтади, шундан сўнг дарсни матн шаклидаги тестини ечиш орқали қандай ўзлаштирганингизни билиб оласиз. Бу дастурни ўрнатиш ва фойдаланиш учун интернетингиз бўлса, кифоя.

Борган сари китоб жавони бойиб бораётган илмли ва интилувчан ёшлар орасида оммалашган “Mutolaa” дастури ҳам манфаатли. Унда ўзбек ва жаҳон адабиёти, диний адабиётлар, турли фойдали маълумотларни топишингиз мумкин. Болажонлар учун эртақ

китоблар ва маҳоратли суҳбатлар томонидан аудиокинолар ҳам тақдим этилган.

Уламолардан бири айтади: “Инсоннинг вақти бу – аслида унинг умридир. Вақт булутдек ўтиб кетади. Кимнинг вақти Аллоҳ учун ва Аллоҳ билан бўлса, бас, вақт у кишининг ҳаёти ҳамда умридир. Бундан бошқалари эса инсоннинг ҳаётидан ҳисобланмайди. Инсон ўз замони ва вақтининг қадрини билиши, бирор лаҳзасини ҳам беҳуда ўтказмаслиги, шу вақтда энг афзал сўзу амалларни бажармоғи лозим. Унинг нияти мудом яхшиликда қоим бўлиши ва бажариладиган амалларда сусткашлик қилмаслиги керак”.

Ҳолбуки, одамлар беҳуда нарсаларга ўрганиб қолмоқда. Унутманг, вақтингиз – умрингиздир. Уни қандай ўтказганингиз ҳақида сўраласиз.

Камола АДАШБОВЕВА



Шайх Али Тантовий



Эй қизим!

(Давоми.
Бошланиши ўтган сонларда.)

Агар сен ва биродарларинг эр-хотин орасида ихтилофдан холи жуфтлик ҳаётини хоҳлаб, бутун умр асал ойидек тотли ўтишини истаётган бўлсанг, Ромео ва Жульетта-нинг муносабатларидек гўзал ҳаётни тасаввур қилсанг, Лайли ва Мажнуннинг севгисидек муҳаббатда ҳаёт кечиришни орзу қилган бўлсанг, бу ҳаргиз бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас!

Улар биздан олган нарсаларини куч билан олишмаган, аксинча, бизнинг лоқайдлигимиз ва бепарволигимиз туфайли олишган.

Уйланинг ва шукр қилинг!

Бирорта ҳам уйланган кишининг “Мен бахтлиман, хотиржамман”, деганини сира эшитмадим. Ҳатто ҳаётда бахтли, хотиржам кишилар ҳам бу гапни айтмайдилар. Сабаби, инсон ношукрдир. Унга берилган неъматларнинг

қадрини фақатгина йўқотганда ҳис қилади, тушунади. Шунингдек, инсон зоти тамагир ҳамдир. Қачон унга бир неъмат берилса, ундан ортиғини тама қила бошлайди, қаноат қилмайди, неъмат лаззатини билмайди. Шунинг учун ҳам эркаклар доимо аёлларидан шикоят қиладилар. Эркак киши аёли вафот этиб, ўрталаридаги ришталар, орзулар узилгандагина унинг қадрига етади, яхшиликларини эслайди, фазилатларини билади...

Агар намозда шошилсанг, ёдингда тутки, сен қўлга киритишни истаётган ва йўқотишдан қўрқаётган нарсаларнинг барчаси сен ҳузурида турган Зотнинг қўлидадир.

Модомики, овозим фойда берар экан, қамчимни ишлатмайман. Модомики, жим туришим фойда берар экан, овозимни ишлатмайман.

*Қизиқ! Садақа қилаётганимизда чўнтагимиздаги энг майда пулни қиди-

рамиз, Аллоҳдан сўраганимизда эса Фирдавс жаннатини сўраймиз.

*Хурсанд бўлганингда энг яхши кўрган инсонингга боғланасан. Хафа бўлганингда эса сени энг кўп яхши кўрадиган кишига боғланасан. Икки ҳолатда ҳам улар битта инсон бўлиши қандай гўзал!

*Узр сўраганларнинг барчаси ҳам хатокор ёки заиф бўлишмайди. Узр сўраш нодир сифат бўлиб, фақат вафоли инсонлардагина топилади.

*Агар ватан қаҳрамонлари қабрда, мардлари қамокда, ўғрилари саройда бўлса, дунё билан хайрлашавер!

Масжид имоми хато қилганида унинг хатосини тузатадиган киши топилмай, хонанда куйлаганида у билан қўшилиб охиригача куйлайдиганларнинг топилиши ажиб ишдир!

(Давоми бор.)

Таржимонлар:

**Иймон Али
КИТОБ АЛИЕВ,
Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ**

Аёлларга хос масалалар

Савол: Аёл ҳайз ва истиҳоза ҳукмларини билмагани учун гуноҳкор бўладими?

Жавоб: Нафақат аёллар, балки уларнинг эрлари ҳам ҳайз, нифос ва истиҳозага доир ҳукмларни билиши лозим. Ҳайз, нифос, истиҳоза ҳукмларини билиш аёлларга ҳам уларнинг эрларига ҳам фарзи аиндир. Фарзи аинни тарк қилиш гуноҳ.

Қизнинг ҳайз кўриш билан балоғатга етиши

Савол: 12 яшар қиз ҳайз кўрмаган бўлса-да, балоғатга етган ҳисобланадими?

Жавоб: Қизлар ҳайз кўриши билан балоғатга етган ҳисобланади.

Ҳайз аломатини кўриш

Савол: Аёлда кечаси ҳайз келиш аломатлари билан қорнида оғриқ бўлди. Эрталаб таглигида ҳеч нарса кўрмади. Шу ҳолатда аёл намоз ўқийдими?

Жавоб: Тагликда қон ё ҳайз ҳукмида бўлган бошқа рангдаги сизот кўринса, намоз ўқимайди. Акс ҳолда намозни қолдирмайди.

Ҳайзнинг бошланиш вақти

Савол: Ҳайз келиши аломати бошланиш вақтидан бошлаб ҳайз ҳисобланадими ёки қон келишидан бошлабми? Баъзан тагликда қон кўринмаса ҳам, кун бўйи ҳайз аломат-

лари (қорин ориғи, бел оғриғи кабилар) бўлади.

Жавоб: Қиндан қон чиқиши билан ҳайз бошланади.

Ҳайз кунлари (одати) соатлар билан ўлчанади

Савол: Аёл аср намозидан кейин ҳайз кўрса, шу кун у ҳоиза деб эътибор қилинадими?

Жавоб: Ҳайз кунлари қон келган лаҳзадан бошлаб соатлар билан ҳисобланади.

Ҳар ойда ҳайз кунлари ўзгариши

Савол: Аёлда ҳар ойда одатининг кунлари ўзгариб турса, ҳайзи келганини кўриши билан у намоз ўқишдан тўхтайдими?

Жавоб: Ўн беш кун поклик даври ўтгандан кейин аёл қон кўрса ҳайз ҳисобланади.

Ҳайз вақтида аралашган поклик ҳайздир

Савол: Аёл ҳайз кунларида бир ёки икки кун пок юрса, у кунлар ҳайздан покланган ҳисобланадими? Ё ҳайз одати тугаганидан кейин ҳайздан покланган ҳисоблайдими?

Жавоб: Аёл ҳайз одат кунлари тугаганидан кейин пок ҳисобланади. Ҳайз одати кунлари пок юрган кунлари ҳам ҳайз ҳукмида бўлади.

Аёл одатида пок бўлганидан кейин ўн кун ичида қоннинг қайтиши

Савол: Аёлнинг ҳайзи одати тугагач ғусл олиб, намоз ўқиса ва бир кун пок юргач, қайта қон келса, у қон ҳайз қони бўладими?

Жавоб: Агар ҳайз одати ўн кундан кам бўлса, тоза бўлгач ҳайз кўргани кунидан ўн кун ўтмай яна қон келса, у қон ҳайз бўлади.

Ҳақиқий қон келишидан олдин қизил рангдан бошқа сизот кўриш

Савол: Аёлнинг ҳайзи етти кун. У қизил рангли қон келишидан олдин бошқа рангдаги сизот кўрди. Шу кўрган рангли сизоти ҳайз ҳисобланадими?

Жавоб: Аёл ўн беш кун пок юрганидан кейин кўргани ҳар қандай рангли сизот ҳайз ҳисобланади.

Уч кундан кўпроқ вақт қон томчини кўриш

Савол: Ўрта ёшдаги аёлнинг ҳайзи ҳар ойда келмайди. У аёл Рамазондан икки кун олдин фақат бир томчи қон кўрса ҳайз ҳисобланадими?

Жавоб: Уч кун келган қон ҳайз ҳисобланади.

Сиз айтган аёл шифокорга мурожаат қилиши керак. Агар шифокор ҳайз эмас, балки касалликнинг асорати деса, истиҳоза бўлади.

“Ҳайз ва нифос илми зубдаси” китобидан
Юлдуз АСҚАР қизи
таржимаси

Биз учун ортиқча, кимдир унга зор...

Бир танишим Японияда яшайди. Унинг айтишича, кунчиқар юрт вакилларида ажойиб одат бор экан, улар ортиқча буюмларини муҳтож инсонлар учун ўз уйлари олдига чиқариб, ёзув ёзиб қўяр экан...

“Кераксиз” ҳисобланган буюмлар орасида болалар ўйинчоқлари, китоблар, кийим-кечаклар, компьютер, телевизор, музлаткич, кир ювиш машинаси, мебеллар бўлиб, бир камбағал булар билан рўзғорини бутлаб олиши мумкин.

Жуда яхши одат, шундай эмасми?!

Биз ҳам уйимизни бир қараб кўрайлик-чи, “Керак бўлиб қолар”, деб йиғиб қўйган нарсаларимиз қанча экан? Уйимизда турган нарсани бир йил давомида ишлатмадикми, катта эҳтимол билан энди керак бўлмас. Аммо ўша нарсаларга ҳозир кимдир муҳтож.

Айрим хонадонларда ортиқча буюмларни, кичик бўлиб қолган кийимларни ёқиб юбориш одати бор. Ундан кўра қўшниларга, камхарж қариндош-уруғларга берган яхши эмасми?!

Кимлардир “Бировга нарса берсам, одамлар қандай қа-

бул қиларкин?” дея андишага боради. Айримлар эса ирим қилади: берганингизни кўздан пана қилиб чиқиндига улоқтиришади...

Бир опа эрининг бош кийимлари тўпланиб қолганини айтди. Қўшнига беринг, десам, “Эримнинг давлати

дан аланга кириб азоб берибди. Шунда у: “Қанийди ўшанда қўшнимга йиртиқ камзул ўрнига бутунини берган бўлганимда эди”, деб афсус чекибди...

Бу ривоят бўлса-да, ҳақиқат бор, шундай эмасми?! Эҳсон нафақат бу дунёда, балки охиратда ҳам фойда беради. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Эҳсоннинг мукофоти фақат эҳсондир”** (Раҳмон сураси, 60-оят), деган.

«Сиздан (эй Муҳаммад) қандай эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: “Ниманики хайр-эҳсон қилсангиз, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингиз! Аллоҳ ҳар қандай қилган эҳсонларингизни билиб турувчидир”» (Бақара сураси, 215-оят).

Қилинган эҳсонни Аллоҳ таоло камида ўн баробар қилиб қайтаради. Шундай экан, азизлар, ён қўшнимиз, қариндошларимиз ичида ночорлари бўлса, хабар олайлик, кўнглини кўтарайлик, қўлдан келганча ёрдам берайлик. Зеро, бу ишларимиз мукофотини, албатта, оламиз!

Зухрахон ҲАМДАМОВА



бошқага ўтиб кетади, бермайман”, дейди!

Қизиқ, Аллоҳ ҳаммани ўз ризқи билан яратган бўлса, қандай қилиб бу одамнинг бойлиги битта бош кийим билан бировга ўтиб кетади?!

Бир ривоятда келтирилишича, битта аёл дўзахда оловдан камзул билан ҳимояланибди. Аммо унинг тешиги-

Муоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз солаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Банда қиёмат куни тўрт нарсадан сўралмагунча бир қадам ҳам олдинга силжий олмайди. Бу саволлардан биринчиси – умрини нима билан ўтказгани; иккинчиси – ёшлик даврида нима билан машғул бўлгани; учинчиси – мол-дунёни қай йўсинда топгани ва нималарга сарфлагани; тўртинчиси – ўрганган илмига қандай**

ди. Биз ўғилларнинг оғзимиздан бир хил гап чиқди: “Доктор, қанча десангиз, берамиз, фақат онамиз тузалсин!” Аммо биз ишонган бойлигимиз ҳеч нарсага ярамади, онамиз вафот этди...

Жаноза ўтди. Уйда ўзимиз қолдик. Онамиз ҳаққига дуо қилайлик, десак, бирортамиз бир калима Қуръон ўқишни билмаймиз. Шундай қилиб, биз фарзандлар онамизнинг энг муҳтож бўлган пайтларида корига ярамадик, ҳаққига тиловат қилолмадик, намоз ўқиб, Худодан гуноҳларини кечири-

мол-давлатимга суяндим, аммо улар бу дунёда қоларкан. Қабрга эса фақат яхши ва ёмон амалларимиз бораркан. Эслашга ҳаракат қилдим, яхши амалим кам чиқди, намоз йўқ, рўза йўқ, закот йўқ, қурбонлик йўқ. Ваҳоланки, молимнинг нисоби закотга ҳам, қурбонликка ҳам етади...

Бу мактубни ёзишдан мақсадим, жон биродарларим, вақтининг қадрига етинг, сиз ҳам ўзингизга савол беринг-чи, ўлимга тайёрмисиз?!”

Бундай нарсаларни ўқиб, бехосдан ўйга толасан киши. Ҳа,

ОТА-ОНАМИЗГА ҚАНДАЙ ФАРЗАНДМИЗ?

амал қилгани” (Имом Базор ва Табароний ривояти).

Ижтимоий тармоқда ўқиганим бир ҳикояни ибрат бўлар, деган мақсадда сизларга ҳам илдиндим.

“Биз оилада тўрт фарзандмиз: уч ўғил, бир қиз. Болалигимизда отамиз дунёдан ўтди. Онамиз қўлида қолдик. Болаларим ҳеч нарсадан кам бўлмасин, деб онам қўлидан келганича ҳаракат қиларди. Бошқа турмуш қилмади. Ҳаммамизни ўқитиб, уйли-жойли қилди. Шу кунгача не-не қийинчиликларни бошидан ўтказди.

Биз ака-укаларнинг ишимиз юришди. Синглимиз ҳам яхши оилага келин бўлди.

Кунларнинг бирида онамизнинг мазаси қочиб, шифохонага тушиб қолди. Таҳлил натижалари ҳаммамизни қарахт қилиб қўйди, ташхис мияда ўсимта борлигини кўрсатар-

шини сўролмадик. Чунки биз динимизда амал қилиш керак бўлган бирорта амални тузукроқ билмас эдик.

Рости, мен бироз онамдан ҳафа ҳам бўлдим. Тўғри, бизни ҳам ота, ҳам она бўлиб боқиб катта қилди, бировдан кам бўлмадик. Аммо ёшлигимизда динимиздан ҳам нимадир ўргатганида балки ҳозир шундай хижолатли аҳволга тушмасмидик, ким билсин?!

Уйимга келиб, ёнбошлаганча ўзимга савол бердим: мен ўлсам, аҳволим нима бўлади?! Қабрдаги биринчи сўроқ намоздан экан, менинг намозим йўқ-ку! Қуръон ўқиб юрган одамнинг қабри нурли бўларкан, бир калима Қуръон ўқишни билмайман-ку! Аллоҳни эслаб, ҳар бир ишда Унга суянган одамнинг Аллоҳ қабрда сўроғини осон қиларкан, мен ҳамма ишда таниш-билишга ва

эртага афсус-надомат чекиб қолмаслик учун бугун ҳаракатимизни қилиб қолайлик. Фарзандларимизга чиройли тарбия бериб, энг муҳим вазифамиз – Аллоҳни танитайлик. Ўзимиз ҳам ибодатларимизда ихлосли, бардавом бўлайлик. Зеро, охиратда ҳаммасига ҳисоб берамиз.

Саодат ЙЎЛДОШЕВА
тайёрлади.



Риёдан холи амал

Масжид қурилиши икки йилдан оз муддатда ниҳоясига етди. Султон Нуриддин масжид битганидан жуда суюнди. Очилиш маросимига кўпгина султон ва амирларни таклиф этди. Пештоқдаги исми ёзилган лавҳни кўриб, завқланиб, уйига қайтди. Ўша кеча туш кўрди. Кўргани унинг барча хурсандчилигини ўғирлаб олди. У бир тушни уч кеча қайта-қайта кўрди...

Тушида икки фариштанинг Нуриддин исми битилган лавҳни ечиб, ўрнига аёлнинг исми ёзилган лавҳни осиб қўйинглар”, деб нидо қилаётганини эшитди.

Ниҳоят, тўртинчи кеча лавҳдаги аёл исмини ўқишга муваффақ бўлди. Унда “Уммул Хайр” деб ёзилганди. Сўнг Уммул Хайр исмли аёлни топиб, ҳузурига келтиришларини буюрди. Шу йўсинда тушининг таъбирини билмоқчи бўлди.

Султоннинг одамлари ўн кунлик тафтишдан кейин аёлни топди. У кекса, касалманд ва камбағал бўлиб, бозорда пишлоқ сотарди.

Султон тушида ишора қилинган аёл айнан у эканига шубҳа қилди. Лекин бутун шаҳарда фақат уни “Уммул Хайр” деб аташарди. Султон ундан сўради:

– Нима учун масжид қурилишига шерик бўлдинг? Ҳатто исминг исмим ўрнига қўйиладиган даражада қандай иш қилдинг?!

– Султоним, кўриб турганингиздек, камбағал, касалманд, кекса бир аёлман. Аллоҳга қасам, ҳеч нарсага шерик бўлмадим. Кунлик овқатимни зўрға топиб ейман. Фақат... тахминан, бир ойдан буён масжид ёнидан ўтаман. У ерда қурилиш ишларига ёлланган эшаклар орасида бири қаттиқ чанқаган бўлиб, пақирдаги сувга тумшуғи етмаётганди. Пақир оғзини унга тутдим. Чанқоғи қонгандан кейин кетдим.

– Қилган ишинг фақат шуми?

– Ҳа, султоним. Зеро, бундан ортиқ ишга кучим ҳам етмайди.

Султон ҳайратда қолди. Аёлнинг қилган иши бир эшакка сув бериш бўлса, шу боис икки фаришта султоннинг ўрнига аёлнинг исмини пештоққа иладими? Подшоҳ ўйлай-ўйлай бундай жавоб топди:


– Дарҳақиқат, мен ўзимдан кейин яхши ном қолдириш, одамлар орасида шуҳратимни ошириш учун масжид қурдим. Аёл эса бор-йўғи эшакка сув берди. Аммо унинг мақсади Аллоҳ таолонинг розилиги бўлди. Шунинг учун Парвардигор кичкина бўлса ҳам, унинг амалини қабул қилди. Менга эса ишимнинг буюклиги, саъй-ҳаракатим ва беҳисоб мол-дунё сарфлашимга қарамай, амалимни ўзимга қайтарди. Кекса аёл ҳар бир иш риёдан узоқ, холис Аллоҳнинг розилигини истаб қилиниши кераклигини таълим берди.

Султон вазирига исми битилган лавҳни олиб ташлаш, ўрнига аёлнинг исми ёзилган лавҳни пештоққа осилиши ва масжид “Уммул Хайр” номи билан аталишига буйруқ берди.

“Мавсуъатул муяссаро фит тарихил ислами” асари асосида “Имом Бухорий” номидаги Тошкент ислом институти катта ўқитувчиси

ЯХЁ РАЗЗОҚОВ

тайёрлади.





Беҳаёлик асоратлари

Ҳаё-ибо инсоний фазилатларнинг энг гўзал зийнати, дурдонасидир.

Ҳаё – мўминга хос фазилат. Аммо унинг аёлларда бўлмаслиги бутун бир авлодни барбод қилади. Зеро, беҳаёларча ярим-яланғоч кийиниб, уятсиз сўзларни гапирётган аёлнинг фарзандларидан қандай умид қилиш мумкин?

Гоҳо транспортда ёш қиз-жувонлар баланд овозда турли гапларни гапириб, қаттиқ кулиб ўтиришади. Баъзан эса тўй-ҳашамларда айрим аёлларнинг кийинишию ҳаракатини кўриб, уялиб кетасиз.

Ҳаё, ибо ва иффат аёл кишининг кўркига кўрк қўшади. Олимларнинг биридан: “Аёлларнинг қайси хислатлари кўпроқ ёқади?”, деб сўралганида: “Ҳаё туфайли уларнинг юзларида пайдо бўладиган қизаришдир”, деб жавоб берган экан.

Бетгачопарлик ҳам беҳаёликнинг бир кўриниши. Баъзи одамлар: “Мен ростини

гапираман, хафа бўлса, ўзига”, дейди-ю, оғзига келганини гапиради. Агар илмли, ёши улуғ инсон насиҳат қилмоқчи бўлса, “Менинг борим шу!” дейди. Ўзини оқлаш учун баҳоналар излаб, ўзгаларни айблади.

Бир танишим айрим келинларнинг бетгачопарлиги ҳақида бундай дейди: “Иш қилишим ўзимга фойда, дея келинга кўп иш буюрмасдим. Бир куни келинимга: “Болам, бироз мазам бўлмай турибди, қайнотангизнинг шу кўйлагини ювиб қўйсангиз”, дедим. Шунда келиним зарда билан: “Бу менинг вазирамга кирмайди, қолаверса, мен ишдан чарчаб келдим”, деди. Бир сўз демай бетоб ҳолимда ўша ишни ўзим қилдим. Бир куни қизини гап қайтаргани учун уришаётганини, қизи ҳам унга жавобан зарда билан гапирётганини кўриб қолдим. Келинимнинг олдида набирамга насиҳат қилдим: “Гўзал қизим, онани ҳурмат қилиш, унинг кўнглини оғритмас-

лик керак. Онанг сенга иш буюрганида “Хўп бўлади!” деб бажар. Одобли, ҳаёли қиз бетгачопар бўлмайди”, дедим. Бироздан сўнг келиним олдимга келиб, мендан узр сўради”.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Иймон етмишдан кўп шўъбадан иборатдир. Унинг энг афзали «Лаа илаҳа иллаллоҳ» демоқлик ва энг кичиги йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлаш. Ҳаё иймоннинг шўъбасидир”**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Демак, бизда беҳаёлик, бетгачопарлик иллатлари борми, нафсимизни тергаб қўййлик, иймонимизни эса мустаҳкамлаб олайлик!

**Ризвон
БАҲРОМОВА,**

*Бухоро вилояти бош
имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари
бўйича ёрдамчиси*

Одамлар билан қандай саломлашаман?..

Намоздан кейинги зикрлар
Охирги ташаххуд ва салаватдан сўнг, салом беришдан олдин ўқиладиган дуо

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي
الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ
“Роббана, атина фид дуня ҳасанатав ва фил ахироти ҳасанатав ва қина ъзабан нар”.

Маъноси: “Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах азоби-дан сақлагин”.

Намоз нурдир. Ҳар бир фарз намоз ракати миқдорича юлдузчалар чизинг.
الفجر الظهر العصر المغرب العشاء

Намоздан кейин ўқиладиган дуолар

الله “Астағфируллоҳ”

(3 марта). المَعُوذَتَيْنِ Фалақ ва Нас суралари (1 мартадан).

أَيَّةُ الْكُرْسِيِّ Оятал курси

(1 марта). سُبْحَانَ اللَّهِ

“Субҳаналлоҳ” (33 марта).

الْحَمْدُ لِلَّهِ “Алҳамдулиллаҳ”

(33 марта). اللَّهُ أَكْبَرُ. “Аллоҳу акбар” (33 марта).

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ،


وَلَهُ الْحَمْدُ، يُحْيِي وَيُمِيتُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

“Аллоҳу акбар” (33 марта).

“Лаа илааҳа илладлоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ. Лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд. Юҳйи ва юмийт ва ҳува ъала кулли шайъин қодийр”.

Маъноси: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У ёлғиздир. Унинг шериги йўқдир. Подшоҳлик Унга хос. Ҳамду сано Унга хос. У тирилтиради ҳамда ўлдиради ва У барча нарсаларга қодирдир” (Имом Муслим ривояти).

1 дан 33 гача бўлган рақамларни тасбеҳ ичига тартиб билан ёзинг.




Аллоҳни зикр қилишни унутманг! Набий алайҳис-салом намоздан кейин зикрларни айтсак, гарчи гуноҳларимиз денгиз кўпигича бўлса ҳам, Аллоҳ таоло уларни мағфират қилишни хабар берганлар.

Масжиддан чиқаётганда ўқиладиган дуо

Масжиддан чап оёқ билан чиқилади. Чиқишда бундай дейсиз:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ، اللَّهُمَّ أَغْنِصْنِي مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ



“Аллоҳумма инний асъа-лука мин фаълика.

Аллоҳумма аъсимний минаш шайтонир ро-жйим”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, фазлингдан сўрайман. Ё Аллоҳ, мени тошбўрон қилинган шайтондан асрагин!”

Уйга кираётганда ўқиладиган дуо

بِسْمِ اللَّهِ وَلَجْنَا ، وَبِسْمِ اللَّهِ خَرَجْنَا ،
وَعَلَى اللَّهِ رَبَّنَا تَوَكَّلْنَا

“Бисмиллаҳи валажна ва бисмиллаҳи хорожна ва ъалаллоҳи Роббина таваккална” (Имом Абу Довуд ривояти).



Маъноси: “Аллоҳ номи билан кирдик ва Аллоҳ номи билан чиқдик ҳамда Парвардигорга таваккал қилдик”.

Сўнгра аҳлига салом берсин!



Одамлар билан қандай саломлашаман?

Улар билан Ислом таълим берган-дек саломлашаман.

Қуйидагиларнинг қай бири Ислом саломлашуви эканини айта оласизми?

“Салом. Хуш келибсан! Қалайсан?”

“Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ”.

“Бўнжур”.

Овқатланишдан олдин айтиладиган дуо

بِسْمِ اللَّهِ “Бисмиллаҳ”, дейман.

Доимо ўнг қўлингизда ҳамда олдингиздан таомлангиз.

Рангли қаламларингизни олиб, ушбу суратни бўянг.



Овқатлангандан сўнг айтиладиган дуо

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَا وَجَعَلَنَا مُسْلِمِينَ

“Алҳамдулиллаҳиллази атъама-на ва сақона ва жаъална мусли-мийн” (Имом Абу Довуд ва Имом Насоий ривояти).

Маъноси: “Бизни едирган, ичирган ва мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин”.

Юлдуз КОМИЛОВА таржимаси

Ота-она ва барча мўминларнинг ҳаққиға қилинадиган дуо

Ўқилиши: “Роббанағфир лий ва ли ваалидаййа ва лилмуминийна йавма йақуумул ҳисааб”.

Маъноси: “Раббимиз! Ҳисоб-китоб қилинадиган (қиймат) кунни мени, ота-онамни ва (барча) мўминларни мағфират қилгин!” (Иброҳим сураси, 41-оят.)

Фарзандлари намозхон бўлишини сўраш дуоси

Ўқилиши: “Роббижъалний муқиймас солаати ва мин зурриййатий Роббанаа ва тақоббал дуъааи”.

Маъноси: “Раббим! Мени ва зурриётларимни намозни тўқис адо этадиганлардан қилгин. Раббимиз, дуони қабул этгин” (Иброҳим сураси, 40-оят.)

Турли касаллик ва офатлардан паноҳ сўраш дуоси

Ўқилиши: “Аллоҳумма инний аъзузу бика минал бароси вал жунууни вал жузоми ва мин саййиъил асқоми”.

Маъноси: “Аллоҳим, Сенинг номинг ила пелликдан, жиниликдан, моховдан ва ёмон касалликлардан паноҳ тилайман”.

Шайтон узоқлашишини истасангиз...

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким уйидан чиққанида:

“Бисмиллаҳи, таваккалту ъалаллоҳи ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ” (“Бисмиллаҳ, Аллоҳнинг Ўзига таваккул қилдим, куч-қувват фақат Аллоҳ биландир”) деса, унга: “Кифоя қилиндинг, ҳимоя қилиндинг, ҳидоят қилиндинг”, дейилади ва ундан шайтон узоқлашади”, дедилар (Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривояти).

Кечаси уйғониб кетганда қилинадиган дуо

Ўқилиши: “Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайъин қодийр, валҳамду лиллаҳи ва субҳаналлоҳи ва лаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар ва лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ”.

Маъноси: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У ёлғиздир. Унинг шериғи йўқдир. Моликлик Унга хос. Барча ҳамду сано Унга хос. У ҳар бир нарсага қодирдир. Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Аллоҳни поклаб ёд этаман. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳ буюқдир. Ҳеч қандай ўзгартириш ва куч-қудрат йўқдир, магар Аллоҳ(нинг ёрдами) ила бўлур” (Имом Термизий ривояти).

Баъзида оила ажримга келади. Бундай ҳолатларда эр бошқа аёлга уйланиши, фарзандлари эса буни тўғри қабул қилиши, отаси ҳақиқа эътиборли бўлиб, унинг кўнглини оғритмаслиги шарт. Ҳатто аёли вафот этган отани тезроқ уйлантириб қўйиш, яхши аёл топиб бериш ҳам фарзандлар бурчидир.

Кўпинча она вафот этган хонадонда (айниқса қиз) фарзандлар: “Онам вафот

ё бошқа сабаб билан яна бир аёлга уйланган отанинг фарзандлари ўғай онага қандай муомала қилишни яхши билишлари керак. Отанинг хотини фарзандларига абадий маҳрамдир. Ота тириклигида ҳам, вафотидан сўнг ҳам у уйланган аёлга фарзандининг никоҳланиши мутлақо ҳаром. **“Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг. Магар илгари ўтган бўлса** (улар

лаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бурдани отасидан кейин ўғай онасига уйланган одамга юбориб, уни ўлдириб, молини олиб келишга амр қилганлар.

Отанинг хотинига яхшилик қилиш отага нисбатан ҳурмат ва эҳтиром белгисидир. Ҳадисларда Аллоҳнинг розилиги отанинг розилигида, Аллоҳнинг ғазаби отанинг ғазабида экани таъкидланган. Отанинг хотини фар-

Ўғай онага эътибор

этганига ҳали бир йил тўлмади” ёки “Хизматларини ўзимиз қиламиз...” деб отанинг уйланишига қаршилик кўрсатади. Аслида хотинини қабрга қўйган эркак тез фурсатда бошқа аёл билан ҳаётини давом эттиришга ҳақли. Вафот этган хотини учун аза тутишга шаръан мажбур эмас. Демак, хотинидан ўлим ёки талоқ сабабли ажралган

кечирилади). **Албатта, бу қабих, жирканч ва ёмон йўлдир**” (*Нисо сураси, 22-оят*).

Шариатимизда ким бундай разолатга ботса, у диндан қайтган ҳисобланади. Унга ўлим жазоси берилиб, мол-мулки мусодара қилинади. Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ сол-

зандлар учун қариндош саналмаса-да, унга яхшилик қилиш савобли ишдир.

Келинг, ушбу ҳолатни янада яхшироқ тушуниб оламиз. Силаи раҳм тушунчаси умумий ва хос бўлади. Дин ва диёнат сабабли бир-бирига яхшилик қилиш умумий, маҳрам қариндошларга нафақа ва бошқа яхшиликлар қилиш хос силаи раҳмдир.



Отанинг хотинига ота ҳаётлигида ва ўлганидан кейин яхшилик қилиш диёнатдан. Бу ишни қилган одам ажр олади.

Отанинг хотини эрнинг фарзандлари ёнида рўмол ўрамасдан юриши мумкин. Лекин фитнага сабаб бўлмаслик учун очиқ-сочиқ кийинмаслиги лозим. Чунки эрининг ўғли бу аёлни шаҳват билан ушласа, отасининг унга никоҳи абдий бузилади. Бу ҳолат фикрда “Ҳурматул мусаҳарот” дейилади.

Сулбий қизнинг эри, яъни куёв қайнона учун маҳрам саналса-да, ўғай қизнинг эри аёлга маҳрам ҳисобланмайди.

Фарзандларга ўғай онани ота тирикчилигида ва отанинг вафотидан сўнг нафақа билан таъминлаш вожиб эмас. Бу ишни отанинг кўнглини кўтариш учун қилсалар, савобга эришадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарга чиқиб: **“Омин”**, дедилар. Сўнггра яна бир поғона кўтарилиб, **“Омин”**, дедилар. Сўнггра яна бир поғона кўтарилиб, **“Омин”**, дедилар. Муоз розияллоҳу анҳу бунинг сабабини сўради. Набий алайҳиссалом: **«Жаброил келиб: “Эй Муҳаммад! Ҳузурида номингиз тилга олинганда сизга салават айтмай ўлган ва дўзахга тушган кимсани Аллоҳ Ўз раҳматидан узоқ қилсин. “Омин”, деб айтинг”, деди. Мен: “Омин”, дедим. “Рамазонга етиб, ундан (рўзаси ва бедорлиги) қабул қилинмай ўлган ва дўзахга туш-**

ган кимсани Аллоҳ Ўз раҳматидан узоқ қилсин. “Омин”, деб айтинг”, деди. Мен: “Омин”, дедим. “Ота-онаси ёки улардан бири ҳаёт бўлса ва уларга яхшилик қилмай ўлган ва дўзахга тушган кимсани Аллоҳ Ўз раҳматидан узоқ қилсин. “Омин”, деб айтинг”, деди. Мен “Омин” дедим», деб марҳамат қилганлар (Имом Термизий ривояти).

Отаси вафот этиб, ортидан хотини қоладиган бўлса, фарзандлар янада эҳтиёткор бўлишлари, у аёлнинг ҳақини емасликлари, эрининг уйида иддасини тугатишига имкон беришлари лозим.

Ота аёлга уйлангандан сўнг кўп вақт ўтмаса ҳам, у эридан мерос олишга ҳақли. Фарзандлар ёки эрининг бошқа қариндошлари бунга қаршилиқ қилмасликлари лозим. Вафот этган эрнинг фарзандлари бор бўлса, аёл меросдан саккиздан бир, агар фарзандлари йўқ бўлса, тўртдан бир улуш олади. Аёлга меросни бермаслик бировнинг ҳақини ейишдир. Бунинг жазоси дунё ва охиратда ҳам оғирдир.

Отанинг вафотидан кейин ўғай онани боқиш аёлнинг маҳрам эркак қариндошлари зиммасида бўлади.

*“Ҳидоя”, Фроиз ас-сирожия”,
“Тафсирул мунир” ҳамда
“Виқоя” асарлари асосида
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
катта ўқитувчиси
Сурайё ИБРАГИМОВА
тайёрлади.*

ИЙМОН НУРИНИ ЗАИФЛАШТИРУВЧИ ИЛЛАТЛАР:

– Зикр мажлислари, жамоат намози, яхши инсонлар суҳбатида иштирок этмаслик.

– Солиҳ пешволардан узоқлашиш.

– Узун орзу-ҳавас.

– Мубоҳ саналган ебичиш, ухлаш, сўзлаш, ўйин-кулгида ҳаддан ошиш. Зеро, кўп ейиш зеҳни ўтмаслаштиради, танани оғирлаштиради, кишини дангаса қилиб қўяди. Айтилишича, ким кўп овқат еса, кўп сув ичади, кўп ухлайди. Оқибатда умрининг кўп қисми лаззатларга сарфланиб, ажр-савоблардан маҳрум бўлади.

– Гуноҳкорлар даврасига кириш, носоғлом муҳитда яшаш.

– Дунё ишларига муккасидан кетиш.

– Қалбни ғафлат уйқусидан уйғотувчи диний-маърифий адабиётларни мутолаа қилмаслик.

– Дунё билан овора бўлиб, Аллоҳга ибодат қилишни унутиш.

«Қуръон – қалблар шифоси» китобидан.

Телефондан фойдаланишда қандай савоб умид қиласиз?!

Аллохнинг изни билан уйингиздаги кичик нарсалардан фойдаланган ҳолда кўп миқдорда ҳасанотлар тўплашингиз мумкин.

ланишда Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш ва ибодат ажрини умид қилинг.

5. Телефон ёрдамида қисқа вақт ичида кўпроқ ибодатни бажариш орқали вақтни тежаш савобини умид қилинг. Масалан, онангиз билан суҳбатда

8. Насиҳат бериш ажри. Бу ишда яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш савоби бор.

9. Телефон уйда бўлишингизга ёрдам бераётгани савобини умид қиласиз. Аллоҳ таоло: **“Викор билан уйингизда ўтиринг”**, деб буюрган (*Аҳ-зоб сураси, 33-оят*). Телефон ёрдамида уйдан чиқишни камайтириш мумкин. Яъни, баъзи яқинлар ҳақида сўраш ёки боришни мўлжал қилган маконингизни аниқлаб олишингиз мумкин. Чунки ташқарига чиқиб, учрашув ерини тополмаслик анча вақтни исроф қилади.

10. Суҳбат асносида тўғри йўл ёки яхши ишга далолат қилиш савоби.

11. Одамлар орасини ислоҳ қилишда телефонингиздан фойдаланишингиз сиз тарафдан марҳамат бўлади. Бу ҳолат савоб талабида юрган аёлларга тегишли. Баъзида сиз иймони заиф аёлларни учратасиз. Улар телефон ёрдамида икки кишининг орасини бузаётгани, адоват уруғини сочаётганининг гувоҳи бўласиз. Бири эр-хотин орасини ажратса, наригиси келинни қайнонага ёки қайнонани келинга қарши гижгижлайди. У бечоралар сўз ўз эгасини етмиш йил жаҳаннамга улоқтириши мумкинлигини билмайдилар-да..

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси

Ҳар куни қандай савоб топасиз?

Бироқ баъзи аёллар бу борада ҳаддан зиёд исрофчидир. Сиз ўрталикни лозим тутинг. Бошқарувчи бўлинг. Сизни бошқаришларига йўл қўйманг.

Гап нима ҳақида эканини билгандирсиз?! Баракаллоҳ!

Гўзал капалагим! Келинг, телефонингиз ёрдамида қилишингиз мумкин бўлган ишлар савобини ҳисоблаб кўрамиз:

1. Силаи раҳм савоби. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кимни ризқи кенг бўлиши ва ажали сурилиши хурсанд қилса, силаи раҳмни боғласин”**, деб марҳамат қилганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

2. Саломга алик олиш, ҳолаҳвол сўраш билан қалбга қувонч олиб кириш.

3. Табрик ёки таъзия ё бошқа муносабат билан яхши гап сўзлаш савоби. Набий алайҳиссалом: **“Яхши гап ҳам садақадир”**, деб марҳамат қилганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

4. Фойда келтирувчи барча нарса учун телефондан фойда-

куйидаги ибодатлар ажрини умид қиласиз: ота-онага яхшилик, силаи раҳм, муслиманинг қалбига хурсандчилик олиб кириш, ҳожатни раво кўриш, ширин сўз, суҳбатнинг аввали ва охирида саломлашув кабилар.

6. Мусулмонларнинг ҳожатини раво кўриш ажри. Яъни, бирор иши тушган ёки муаммоси бор кишига ёрдам кўрсатишингиз. Унинг ҳожатини чиқариш учун бир неча бор телефонда боғланасиз. Набий алайҳиссалом бундай дейдилар: **“Ким биродарининг ҳожатида бўлса, Аллоҳ таоло унинг ҳожатида бўлади”** (*Имом Бухорий ривояти*).

7. Шаръий илм талаб қилиш ажри. Муносиб вақтни белгилаб, илм аҳлидан билмаганларингизни сўраб олинг. Набий алайҳиссалом: **“Фаришталар толиби илмнинг қилаётган ишидан рози бўлган ҳолларида қанотларини кўядилар”**, деб марҳамат қилганлар (*Имом Ибн Можжа ривояти*).



Эмлаш нима учун керак?

“Бемор бўлганимда менга шифо берадиган ҳам Унинг Ўзи” (Шуаро сураси, 80-оят). Шу мазмундаги бошқа ояти карималардан ҳам аён бўладики, дардни ҳам, шифони ҳам берувчи – Аллоҳ таолодир. Аммо уларни Ўз ҳикмати билан сабабларга боғлаганки, бандалар бунинг устида ақл юритсинлар – тафаккур қилсинлар.

Имом Аҳмад ривоят қилган бир ҳадисда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Эй Аллоҳнинг бандалари, даволанинглар! Чунки Аллоҳ қайси касалликни туширган бўлса, унинг шифосини ҳам туширган. Фақат бир касаллик – кексаликнинг давоси йўқ”** деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Мўмин-мусулмон одам ўзига теккан касалликка қарши курашиб, Аллоҳ таолодан комил шифо сўраб, даволаш чораларини кўрмоғи лозим.

Касалликка қарши курашининг энг дастлабкиси ва самаралиси – покизалик, ибодат ва назар тўқлиги экани мўътабар китобларимизда айтилган. Бироқ инсон ҳар қанча эҳтиёт бўлмасин, атроф-муҳит ва бошқа сабабларга кўра, касалликлардан тўлақонли ҳимоялана олмайди...

Инсоният кўп минг йиллик тарихида миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлган қатор эпидемияларни бошдан кечирган. Замонавий тиббиёт ривожланиши билан кўплаб оғир

касалликларнинг олдини олувчи дори воситалари – вакциналар ишлаб чиқарилди.

Вакцина – кучсизлантирилган ёки ўлдирилган микроорганизмлардан тайёрланган дори воситаси бўлиб, одам ва ҳайвонларни эмлаш учун қўлланиладиган микроблар ёки вирусларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари ёки айрим антиген компонентларидан иборат бўлади.

Вакцина бу – юқумли касалликларга қарши иммунитет пайдо қилиш учун мўлжалланган тиббий дори. Эмлаш юқумли ва ҳатто ўлим билан тугайдиган касалликлар тарқалишининг олдини олади. Касаллик юқмаслиги учун организмда шу касалликка қарши ҳимоя қилувчи модда ишлаб чиқаради. Вакцина заифлашган ё ўлдирилган микроорганизмлардан ёки улардан генетик муҳандислик ёхуд кимёвий воситалар ёрдамида олинган антигенларидан тайёрланади. Демак, эмлаш одам ва ҳайвонларга юқумли касалликлар юқишининг олдини олиш усули. Бунда танага иммун зардоблари ёки гаммаглобулин юбориб, сунъий фаол ёки пассив иммунитет ҳосил қилинади. Сунъий фаол иммунитет ҳосил қилиш учун одам вакциналар билан эмланади. Бунда танага юборилган вакцина таркибидаги антигенларга қарши иммунитет ривожланади.

Танага ҳар қандай ёт тана (вирус, бактерия, вакцина ва ҳ.к)

тушгандан сўнг инсон иммун тизими (ҳимоя тизими) уни ўрганади, хотирасида сақлайди ва унга қарши курашиш учун “қотил” модда (антитела) ишлаб чиқаради. “Қотил” модда айнан бир турдаги ёт нарсага қарши курашади ва ҳар бир микроб учун алоҳида ишлаб чиқарилади. Буни махсус иммунитет ёки махсус ҳимоя деб аташ мумкин.

Сунъий, фаол бўлмаган иммунитет тананинг ҳимоя фаолиятини ошириш, юқумли касалликка қарши чидамлилиқ ёки бошланган касалликнинг кечишини енгиллаштириш мақсадида қилинади. Гепатит В, сил, бўғма (дифтерия), қоқшол, кўкйўтал, қизамиқ, тепки; ҳайвонларда бруцеллёз, қутуриш, ўлат, оқсил каби касалликларга қарши вакциналар шулар жумласидандир.

Эмлаш поликлиникаларда ёки бошқа тиббиёт марказларида махсус тайёрланган тиббиёт ходими томонидан шифокор назорати остида ўтказилади.

Зулайхо СОАТОВА,
олий тоифали шифокор

Эрим, фарзандларим йўқ, ёлғизман...

Ёзувчи аёлнинг надомати

Петронелла Уайт ҳеч ким кутмаган мақоласини эълон қилди. Британиялик бу ёзувчи аёл бутун умр аёллар фикрини заҳарлаш билан шуғулланган. Ва ниҳоят, унинг кўзлари очилди...

У бундай дейди: «Мен турмушга чиқмадим. Фарзандларим йўқ, ёлғизман. “Аёллар ҳаракати” мени бахтсиз қилди. Мен фарзандларимни бой бердим. Дугоналарим билан учрашаман. Ҳаммамиз элликдан ўтдик. Олий маълумотли бўлдик, яхши жойларда ишладик. Аммо ҳаётимизда бўшлиқ бор. Бизнинг фарзандимиз йўқ! Бугун бошқа дугоналарим каби мен ҳам бизнинг “Аёллар ҳаракати” миз келажак авлодни барбод қилганини кўп эслаяпман. “Аёллар фалсафаси” зарарли бўлиб чиқди. “Аёллар ҳаракати” ўзининг манфаати учун ихтиро қилган “стандарт аёл” бўлишни ўргатди. Шу туфайли мен эр-

каклардан жиркана бошладим. Бугун эса бунинг бадалини тўлаяпман. Мен ва дугоналаримга нисбатан энди вақт ўтди. Аммо биз “Аёллар ҳаракати”нинг келажак авлодимизни ҳам барбод қилишига йўл бермаслигимиз керак!»

Азиз опа-сингиллар! Уйларни хароб қилувчи бундай ҳаракатлардан эҳтиёт бўлинг.

Сиз фитратингиздан биласизки, эркаклар бошқа хилқат, сиз бошқа хилқатсиз. Улар сизга ўхшамайди, сиз эса уларга. Сиз улар билан, улар эса сиз билан бирга бўлиш учун дунёга келгансизлар. Сиз ундаги нуқсонни тўлдирасиз, у эса, сиздагини! Сиз эрингиз билан ёқалашманг, аксинча унинг қўлидан тутинг.

Аёл кишининг саодати ўзи яхши кўрган ва аёли ҳақида Аллоҳдан кўрқадиган эркак-

нинг ҳимояси ҳамда ғамхўрлиги остида бўлишидир.

Инсон ёши ўтгани сари ёлғизликнинг қанчалар совуқ эканини, бу совуқдан руҳи титраётганини англаб боради. Бошқа аёлларнинг оиласи, фарзанди, набиралари борлигини, уларни яхши кўришини англайсиз. Сизда эса яхши кўриш ва яхши кўрилиш учун ҳеч кимса йўқлигини биласиз.

Жамиятимиздаги оилаларга боқинг. Бугун ибратли оилалар жуда кўп. Унда оналар дунё маликаси каби бошларга кўтарилади. Чунки жаннат уларнинг оёғи остидадир. Хотин эъозланади, ҳурмат қилинади, эркаланади. Чунки эрларнинг яхшиси хотинларига яхши муносабатда бўлгандир. Қизларига шабада тегишига ҳам қўйишмайди. Амма, хола ва яқинларимиз эса, бир учи Аршга боғланган арқонлардир.

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: **“Биз инсонни энг яхши суратда яратдик”** (Тийн сураси, 4-оят).

Аллоҳ таоло биз бандалари-га мукамал гўзаллик, ҳусн берган. Набавий табобат ҳам неъматлар орқали соғлом бўлишни тарғиб қилади. Масалан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Умма-тимга машаққат қилиб қўйишим мумкин бўлмага-**

бийилигига эътиборли бўлиш лозим. Айниқса, қуруқ ёки нам об-ҳавода аёлларнинг нозик териларига қуёш нурлари, чанглар зарарлидир.

Ҳар бир аёлнинг териси ўзига хос, шу сабаб шифокор-дерматологлардан маслаҳат олиш керак.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган “Beauty EXPO Uzbekistan-2024” кўргазмасида аёллар мутахассислардан тавсиялар олиш, хорижнинг сифат-

уларни гўзал қилиб қўймайди, аксинча, зарар қилган вақтлари ҳам бўлган. Пулингизни ва вақтингизни сунъий гўзалликка сарфламанг! Ундан кўра табиат маҳсулотларидан фойдаланиб, ўзингизга вақт ажратинг ва танангизни парваришланг.

Мазкур кўргазмада 70 ёшда бўлса-да, ниҳоятда ёш кўринган бир аёл диққатимизни тортди.

– Кореяда аёллар тоза тоғ сувини ичади. Танамизнинг асо-

ЭНГ ЯХШИ СУРАТ

нида ҳар таҳоратда мис-вок тутишларини буюрар эдим”, деганлар. Демакки, танамизни тез-тез парвариш қилиш, маҳсулотлардан фойда олиш керак.

Биз аёллар турли пардоз воситаларидан, табиий маҳсулотлардан фойдаланамиз. Аммо тартибсиз ёки мутахассис бўлмаганларнинг тавсиясига кўра ишлатиш натижасида салбий оқибатлар юзага келади.

Юздаги ва теридаги доғлар ва тошмалар нафақат ташқи муҳит натижасида, ички аъзолар касалликлари сабабидан ҳам келиб чиқади. Буни кўп аёллар билмайди, тошмаларни косметолог ёрдамида куйдиради, зарарли дори, пардоз воситаларидан фойдаланади. Натижада ёндош касалликлари ҳам орттириб олишади.

Бундай вақтларда тажрибали шифокорга мурожаат қилиш, тери парвариши учун танлаётган маҳсулотларнинг та-

ли ва қиммат маҳсулотларини ҳамёнбоп нархларда харид қилиш имконига эга бўлишди.

Кўпчилик аёллар ўз саломатлигига эътибор беришмайди. Шифокорга касаллик ўтиб кетганидан кейин боришади, – дейди Москва шаҳридаги “Armedika” клиникаси директори, акушер-гинеколог Аржана Бычкова. – Ваҳоланки, ҳар ой тиббий кўрикдан ўтиб, ўзини назорат қилса, касалликлари эрта аниқлаш имкони бўлади. Турли гўзаллик салонларидаги косметологларга эмас, махсус клиникалардаги дерматолог-косметологларга мурожаат қилиш керак. Аксар аёллар ўзидаги табиий кўри-нишдан қониқмай, юзини ўзгартириш учун мурожаат қилишади. Шундай вақтларда биз мутахассислар гўзаллик табиийликда эканини айтиб, ўзларини парвариш қилишларини тавсия қиламиз. Турли жарроҳлик, косметик ўзгартиришлар



сий қисми ҳам сувдан иборат, – дейди “SEINDNI” компанияси раҳбари Лее Соонжу. – Ҳар бир аёлнинг юзига парвариш керак. Лекин маҳсулотларнинг табиий бўлиши жуда муҳим. Масалан, Ўрта Осиё халқлари қуёш нурларидан ҳимоя қиладиган маҳсулотларни танлашда сифат-



Ҳадя этувчи Аллоҳдир

лисини олганлари маъқул, бўлмаса, юзига доғ тушиб кетади. Сизнинг иқлимингизда юз ва тана терисини парвариш қилиш жуда муҳим. Кўпчилик Корея аёлларининг териси ёшлиги сабабини сўрайди. Бизда табиий маҳсулотлардан кўп фойдаланишадди. Ичаётган сув ва таомларимиз ҳам ташқи кўринишимизга таъсир қилади. Юртингиздаги серҳосил далаларни, бозордаги табиий меваларни кўриб, кўзимиз қувнади. Бу юрт аёллари соғлом ҳам гўзал бўлиши учун имкониятлар етарли. Бундан тўғри фойдаланиш керак!

Азиз аёллар, гўзаллигимиз, саломатлигимизнинг қадрига етайлик, уни асрайлик. Зеро, *Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам*: «...**Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради...**» *деганлар (Имом Муслим ривояти).*

Саодат ҲАМИДОВА,
Олмазор
туманидаги 63-сонли
Оилавий
поликлиника
ҳамшираси

■ Қирқ йилдан бери аёллар олдимга турли дардлар билан келади. Фарзанд кўра олмаслигини айтиб мурожаат қиладиганлари ҳам оз эмас.

Тажрибамда ўн-ўн беш йилгача бўйида бўлмаган аёлларнинг оналик бахтига эришганлари кўп. Уларга “Шифокор бир сабабчи, холос. Берувчи Аллоҳдир”, дейман...

Аллоҳ таоло Шўро сурасида бундай марҳамат қилади: **“Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. (У Зот) хоҳлаган нарсасини яратур. (У зот) хоҳлаган кишига қизлар ҳадя этур ва хоҳлаган кишига ўғиллар ҳадя этур. Ёки уларни жуфтлаб – ўғилқиз қилиб берур ва хоҳлаган кишисини туғмас қилур. Албатта, У Алийм ва Қодийрдир” (49–50-оятлар).**

Намангандан бир келинни олиб келишди. Ўн йилдан ошибдики, фарзанди йўқ экан. “Бўлди, кетаман! Айб менда бўлса, турмуш ўртоғимнинг умри ўтмасин, у кишининг фарзандли бўлишга ҳаққи бор-у”, деб нарсаларини йиғиштира, қайнсингиллари: “Охирги марта Тошкентдаги битта жойга борайлик, агар шунда ҳам натижа бўлмаса, ўзимиз сизни чиройли кузатамиз”, деб олдимга мажбуран олиб келишибди. Келинда умид чироқлари ўчган. Чунки бормаган ерлари, қилмаган чоралари қолмаган экан. У билан юракдан суҳбатлашдим. Тажрибамда бўлган воқеаларни айтиб бердим. Умидини Аллоҳдан узмаслиги борасида насиҳат қилдим ва қўлимдан келган тиббий чораларни қўллаб, уйига кузатиб қўйдим.

Бир йил ўтиб, ўша келин қўлида чақалоқ билан келди. “Нодира опа, мана неварангиз!” деб севинч тўла дил изҳорларини сўзлаб, раҳматлар айтди. Бундан қарангки, ўшанда гапирган гапларимдан умиди қайта уйғониб, ихлос билан берган дори-дармонларимни қўллабди ва уч ой деганда уларга Аллоҳ фарзанд ато этибди. Шундай қилиб, бир оила узоқ муддатдан сўнг Худонинг марҳамати билан ўғилли бўлишди!

Аёллар бепуштлигига кўп нарса сабаб бўлади. Жумладан, гормонларнинг бузилиши, организмнинг чарчаши, витаминлар етишмаслиги, ҳатто руҳий тушкунлик, сеҳр-жоду, қарғиш каби омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун аввало улар билан гаплашаман, шароитини ўрганаман, бефарзандликка нима сабаб бўлганини тахмин қиламан ва шунга қараб чора кўраман. Кимларгадир оддий руҳини кўтаришнинг ўзи кифоя қилади.

Азиз аёллар, сизга ҳам айтар сўзим шуки, бировдан эътибор кутаверманг! Ўзингизни ўзингиз мақтанг! Сизнинг соғлом юришингиз аввало фарзандларингизга жуда зарур. Гарчи улар: “Сиз бизга кераксиз, онажон”, деб айтмаса ҳам, аслида сиз уларга кераксиз!

Нодирабегим МИРКОМИЛОВА,
шифокор